# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

25 сон

17-23 июн, 2004 йил


## ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Ахборот**

2004 йил 16 июнь куни Тошкентда Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон иштирокида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай ҳамда Мўғулистон делегацияси меҳмон сифатида қатнашмоқдалар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити чоғида ушбу халқаро ташкилот фаолиятига доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси якунлари бўйича қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви доирасида Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади. Тадбир 17 июн куни ўз ишини якунлайди.

**Ўз мухбиримиз**

## ГЎЗАЛЛИКНИ ҲАММА СЕВАДИ

***Тошкентдаги "Дилором" хусусий фирмасига қарашли сартарошхона директори, Халқаро тоифадаги модельер, Республикамизда ўтадиган гўзаллик танловлари ҳакамлар ҳайъатининг доимий раиси Фарҳод Шомуродов билан суҳбатимиз қизғин кечди:***

*Яхшилардан сўз очдик*

- Сартарошликни миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, етук мутахассислар маҳоратини ёшларга ўргатиш керак, деб ўйлайман. Шу соҳада етук



мутахассислар кўп. Лекин ўргатишга мослаштирилган кенг доирадаги аудиториялар йўқ. Бу касбни ўрганмоқчи бўлган ёшлар фақат бирор-бир устага шогирд тушиб ўргана оладилар. Бироқ бу мактабларда миллий ёки дунё миқёсидаги замонавий назарияларни ўргатишга имконият йўқ. Шунингдек, сочни қирқиш ёки турмаклашдан ташқари қомат чиройли бўлиш, кийиниш, пардоз-андоздан ўринли фойдалана билиш, муомала-муносабатга ҳам ёшларни ўргатиш керакку. Чет эл модасига тақлид қилиб нотўғри кийинган, нотўғри бўянган, сочлари пала-партиш, ёшларни кўрсам, юрагим ачишади. "Гўзаллик институти" мана шу иллатлардан халос бўлиш сирларини ўргатади. Унда соҳа мутахассислари билан бирга спорт ва тиббиёт ходимлари ҳам таълим берадилар.

Инсон доимо гўзалликка интилиб яшайди. Рисоладагидек ташқи қиёфа кишига яхши кайфият ва ўзига ишонч бағишлайди. Давраларда ўзини эркин тутишига асос бўлади, ҳатто ички дунёсини ҳам ўзгартиради.

Асосий мақсадимиз-халқимизнинг ташқи ва ички дунёси гўзал ва бенуқсон бўлсин.

**- Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз?**

- Турмуш ўртоғим Раважон ҳам сартарошлик қилади. Уч фарзандимиз бор. Қизим ҳозирданоқ парфюмерия-косметология сирларини ўрганиб, келгусида етук мутахассис бўлиб етишишни орзу қилади.

**- Суҳбатингиз учун ташаккур, ниятларингизга етинг.**

**Суҳбатдош Л. АҲМЕДОВА**

**- Авваламбор сартарошлик соҳасида ишлашни маъқул кўришингизга сабаб нима?**

- Эндигина еттинчи синфни тугатиб таътилга чиққанимда, отамнинг маслаҳатлари билан ҳунар ўрганиш ва ишлаб пул топиш мақсадида сартарошга шогирд тушиб, шу соҳани севиб қолдим. Қорақалпоғистоннинг, Манғит шаҳрида туғилиб ўсганман. Оилада 8 фарзанд эдик. Мен ғайратим ичимга сиғмайдиган бола бўлганман. Ҳамма нарсани билишга, ўрганишга ҳаракат қилишимни кўрган отам Қўшчон Ишмуратов деган сартарошга шогирдликка берди. Ўз ишининг устаси Қўшчон ака менга жонидилидан касби сир-асрорини ўргатди. Тошкентга келиб ТошДУнинг кечки бўлимига ўқишга киргач, яна сартарошхонага ишга кирдим. Илк бор Шайҳонтоҳур тумани ёш сартарошлар кўрик-танловида ғолиб бўлдим. Тошкент шаҳри, республика, Халқаро миқёсда ўтказилган ёш сартарошлар кўрик-танловларида фахрли унвонларга муносиб кўрилдим. Тошкент, Москванинг етук сартарошлари қўлида ишлаб, бу соҳанинг ўзига хос сирларини ўргандим. Бу гўзаллик олами мени батамом ўзига ром қилди. Иқтисоддан ҳам хабардор бўлиш учун иқтисодиёт университетини тугатдим. Болгария, Франция, Испания, Италия, АҚШ ва бошқа юртларда ўтказилган кўрик-танловлар, семинарларда иштирок этдим.

**- Шу кунларда "Гўзаллик институтини" очиш ҳаракатида эконсиз...**

## ЮЗ ЁШИНГИЗДА ҲАМ ЮЗЛАШАЙЛИК

Ҳувайдо маҳалласига уруш ва меҳнат фахрийси Нишонхўжа ота Асадовни йўқлаб бордик. 90 ёшда ҳам руҳи тетик, бардам отахондан 65 йиллик оилавий ҳаёт сабоқлари билан ўртоқлашишларини сўрадик.

- Умрим давлат ишлари билан ўтди. Толиқиб келиб дарвозадан киришим билан ҳаммаёқ топ-тоза, рафиқам жилмайиб кутиб оларди. Шунда юрагимнинг чигиллари ёзилиб кетарди. Ўғил-қизларим ҳам шу муҳитда ўсишди. Ҳозир набира келинларим ҳурмат-иззатимизни жойига қўйишаяпти.



Суҳбатга отанинг қизлари Жамила опа қўшилди.

- Урушдан кейинги йилларда адам ижроқум раиси бўлиб ишладилар. Мен хасталикка тез чалинадиган қизалоқ эдим. Дўхтирга олиб бораман, деб машинада олиб кетардилар-да, хизматга шўнғиб кетиб, мени эсларидан чиқариб қўярдилар. Адам нафақага чиққанларидан кейин 10 йилдан зиёд Ҳувайдо маҳалласига оқсоқол бўлдилар. Сал мазалари қочса, уйдагиларни йиғиб, "Мана бу конвертдаги пул маҳалланики, мабодо менга бирор гап бўлиб қолса, олиб бориб топширинглар", - деб тайинлардилар. Ҳар доим кўнгилни ёритувчи бир нур изласам, ана шу нурни 65 йил бир тан, бир жон бўлиб яшаған мунис онажоним, иродали отамдан топгандек бўламан. Бу нур бизнинг, невара ва эвараларнинг ҳам ҳаётини, тақдир йўлларини ёритиб туришига ишонаман.

3 ўғил ва 4 қиз ортидан 27 набира, 37 эвара орттирган отахон билан хайрлашиб, эшикка йўл оларканман: "Юзга кирганимда ҳам келинг",- дея ота менга омонлик тилади! Нияти пок, дили тоза инсон ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам яхшилик ва узоқ умр соғинади, деганлари шу бўлса керак.

**М. ТЕМИРОВА,**
**Тошкент шаҳри**

## МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАН

**Кутлов**



"Умр оқар дарё" дейишади. Ўзининг етмиш ёшини нишонлаётган тиббиёт фанлари номзоди, доцент Жалолиддин Тожиев бу ҳикмат нечоғли чуқур мазмун касб этишини исботлади. 1934 йил, 22 июнда туғилган Жалолиддиннинг болалиги Тошкент шаҳрининг "Аллон" маҳалласида ўтди. Мактабда ҳам аълочи, фаол ўқувчилар сафида эди. 1951 йили ТошМИга ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач Мирзачўлда ишлаш учун йўлланма олди...

Мирзачўлликларнинг "ғамхўр иниси"га айланган Жалолиддинни илм олиш иштиёқи яна Тошкентга етаклади. Аспирантурани муваффақиятли тугатгач, "Диабет хасталигида жигар ва ошқозоннинг клиник функционал ҳолатини ўрганиш" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнг шу олийгоҳ талабаларига тиббиёт сирларини ўргата бошлади. Жалолиддин Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ишлаб туриб, шифокорларга республикамизда учрайдиган камқонлик касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, ташхиси ва даволаш усуллари ҳақида маърузалар ўқимоқда. Унинг элликка яқин мақолалари, қўлланма ва тавсияномалари эълон қилинди. Ж.Тожиев тиббиёт соҳасида беқиёс иқтидор соҳиби эканлигини намойиш этди. Жалолиддин ўзининг ширинсўзлиги, камтарлиги, самимийлиги ва оилапарварлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Тиббиёт фанлари номзодлари Габит Калменов, Камол Жумаев ва ўнлаб олий тоифали шифокорлар уни ўзларига устоз деб билишади.

Қаҳрамонимизнинг шу кунларга етишувида рафиқаси — "Малика" фабрикасининг собиқ уста тикувчиси Назирахон аянинг хизматлари беқиёс. Эр-хотин 2 ўғил ва 2 қизни вояга етказиб, 9 неваранинг бувижониси-ю, буважониси бўлиб, кексалик гаштини суришмоқда.

Мухлислар қаҳрамонимизнинг фарзандлари билан ҳам қизиқишлари табиий: Асомиддин архитектор, Жамолиддин ҳуқуқ-тартибот ходими, Ферузахон халқ таълими фидоийси, Нодирахон, тиббиёт фанлари номзоди. Жалолиддин Тожиев марҳума онаси Каримахон аяни ҳамда фронтда ҳалок бўлган отаси Имодиддин аканинг руҳларини доимо хотирлайди. Бу кунларнинг шукрини қилади.

Жалолиддин Тожиевни табаррук ёш остонасида биз ҳам муборакбод этамиз. Дўстимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.

**Ҳамид ФАРМОНҚУЛОВ,**
**Тиббиёт фанлари доктори ҳамда дўстлари.**



# САНЪАТ – МЎЪЖИЗА

## Оиламиз меҳмони

**Ўзбекистон халқ артисти, Ҳукуматимизнинг қатор орден-медаллари ҳамда ЮНЕСКО мукофоти соҳиби, бастакор Абдуҳошим Исмоилов билан суҳбатимиз янги қўшиқ репетициясидан танаффусга чиққан пайтларида кечди.**

**- Санъаткор танаффус пайтида дам оладими, ёки машғулот лаҳзаларидами?**

- Бошқаларни билмадиму, мен машғулот пайтида ҳузур қиламан, кўнглимдагини тўка олсам, унинг аксини дастадагиларда кўра олсам ором оламан. Танаффус - чолғучиларнинг қўлларига дам бериш деган гап.

**- Санъат сизнинг талқинингизда?**

- Санъат, бу - мўъжиза, тек турганни тебратади, ғамгин одамни ўйлантиради, ширин азобда тўлғонтиради, беморнинг дардига малҳам, ошиқнинг кўнглига ҳамдам... Қисқаси ҳеч кимга айтолмайдиган туйғуларнинг гўзал суврати...

**- Бу гўзалувратнинг мазмуни ҳамиша ҳам мухлисини асир этармикан?**

- Аввало у ҳақиқий санъат бўлиши керак. Кейин тингловчисининг ҳам қалби уйғоқ бўлса, таърифим ўзини оқлайди. Санъат кўнгилларни таржимасиз боғлайди. Миллат танламайди. Аммо умри қисқа, "уч кунлик" қўшиқлар бундан мустасно. (Афсус гуруч курмаксиз бўлмаганидек, санъаткорликка даъвогарлар ҳам учраб туради).

**- Ўзингиз куй басталаган қўшиқлар ҳақиқий эгасини топганми?**

- 300 дан ошиқ мусиқа ёздим. Авжини олиб айтмасам, мусиқа ўйлаганимдай чиқмайди. Қўшиқ туғилгач, вояга етказиш хонанда салоҳиятига боғлиқ. Шу боис иложи борича уни "ўз эгаси"га етказишга ҳаракат қиламан. Шукр, ўша қўшиқлар кўпчилик санъаткорларнинг номини элга танитган.

**- Бастакорнинг меҳнати қандай баҳоланади?**

- Тўғрисини айтсам, санъаткорлар миннатдорчилик сифатида совға-салом кўтариб келиб қолишади. Олмайман - мусиқани хор қилмаса бўлди, менга шу - мукофот. Оллоҳ томонидан берилган иқтидорни сотиб бўлмайди. Қўшиқни ёзаётганимда, бутун борлиғим ором олади-ку, яна менга нима керак?!

**- Абдуҳошим Исмоилов вояга етган муҳитга мухлисларимизнинг қизиқишлари табиий...**

- Фарғонанинг Қувасиданман. Оилада 4 ўғилмиз. Мен кенжасиман. Волидамнинг отаси Уста Расул Жума созанда бўлган. 103 ёшида оламдан ўтди. 9 ёшимда бобомнинг уйидан ғижжак ўғирлаб келиб, яширинча чалиб юрганман. Онам ҳам маҳаллада "Генерал хотин", деб ном олган. Ўз davраларида доира чалиб, водийнинг лапарларини, ўланларини айтарди. 101 ёшларида "раҳматли" бўлди. Мусиқа йўлларини мен онамдан ўрганганман. Учинчи акам - Шаробиддин ҳам шу йўлдан кетди. Ҳозир Фарғона мусиқа билим юртида дарс беради.

**- Оилангиз ҳақида ҳам...**

- Рафиқам - Муҳаббатхон - шифокор. 3 нафар фарзандимиз бор.

**- Оилангизда сизнинг касбингизга ихлосмандлар борми?**

- Фарзанд одамнинг номини улуғлайди, давом эттиради. Улар қайси соҳада бўлса ҳам халқини, юртини севадиган, ўз касбининг устаси бўлишларини истайман. Рафиқам Муҳаббатхон эса мусиқани жуда нозик тушунади. Бу ҳақда мен билан бемалол тортиша олади. Мен учун дунёни титратган сўз "Аёл" замиридаги ИНСОНлар ҳамиша муқаддасдир. Бу гўзалликсиз ижод қилиб бўлмайди.

**- Умрингиздан кўнглингиз тўладими?**

- 45 йилдан буён қўлимдан ғижжак тушмайди. Унинг тўртта тори-менинг дўстим, сирдошим ва энг яқин ҳамдардим. Ҳар бир одам ўз касбини яхши кўрсагина, улуғланади. Мақтаниш эмасу, консерваториянинг 3-курсида ўқиб юрганимда, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига лойиқ кўрилгандим. Бу-менинг ижодимга катта "оқ йўл" бўлган. Кейин Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ҳарбий мусиқий дастада, Республика телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар дастасида ишлаб, санъат оламининг буюклигини кашф этдим. Дунё бўйлаб кездиму, ўзбекникидай жозибали санъатни кўрмадим. Яъни, биз бошқа миллатнинг мусиқасини чаламизу, улар бизнинг мусиқамизни маромига етказиб чалолмайдилар. Ҳа, ўзбекнинг санъатига "дуо кетган", меъёрига етказиш учун ўзбек бўлиш керак, деб ўйлайман.

**- Мухлисларимизга тилакларингиз?**

- Энг аввало оилавий бахт, эъзоз ва жамийки эзгу ишларига омадлар тилайман.

**- Омон бўлинг.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# НОН ҚАДРИ

Ҳар тонг ишга бораётиб, катта кўчанинг муюлишига қўйилган ахлат қутиси атрофида уймалашаётган одамларга кўзим тушади. Ёшлари бир жойга бориб қолган икки аёлнинг елим халталарга алланималарни жойлашаётгани билан қизиқиб, яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, улар ахлат уюмлари орасидан нон бўлакларини ажратиб олишаётган экан.

Ноннинг заррадек ушоғини ўпиб, кўзига суртиб эъзозлайдиган халқимизга нима бўлди? Ёки ёшлар нонга бэътибор бўлиб қолишдими? Ноннинг қадр-қимматини унутиб бўлмайди-ку! Ахир кексаларимиз қўл очиб дуо қилганларида ҳамиша:

**МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.**

"Нондек азизу мукаррам бўлгин", - дея дуо қиладилар. Оёқ остида ётган нон бурдаларини кўрсам, қирқинчи йиллар охиридаги нон танқисликлари ёдимга тушади...

Тўрт йиллик оғир кечган урушдан сўнг халқнинг тинка-мадори қуриган, ун ва ун маҳсулотлари анқонинг уруғи, талашиб-тортишадиган кунлар эди. Эски жувадан Бобожонов кўчасининг бошланишида мўъжазгина нон дўкони бўларди. Ҳар куни, айниқса қишли-қировли кунларда ярим кечадан чиқиб навбатга турардим. Агар биринчи ё иккинчи бешлик сафига кириб олсам, марра меники, йўқса нон етмай қоларди. Дўконга бор-йўғи тўрт юз дона ўн бир тийинлик буханка буғдой нон келарди. Кун ёришиб, дўкон очилганда, мингдан ортиқ одам тўпланарди.

От миниб қилич таққан Жалол ака деган миршаб навбатда турганларни назорат қилиб, бешта-бештадан санаб дўконга киргизарди. Бир томонда эркаклар, қарши томонда аёллар алоҳида, ёши улуғроқ эркагу аёллар, фронтдан қайтган ногиронлар, болали аёллар алоҳида навбатда туришарди. Жалол-миршаб беш-олти қатор турган ҳар сафдан беш кишини қиличини ниқтаб, ичкарига қўярди.

Қий-чув, болалар додлаган, нон тугаётганини сезган оломон ёпирилиб кириб, дўкон эшигини синдириб юборарди. Ичкарига кириб олган ёшу қари қўлларини узатган ҳолда охирги нонни талашишарди. Юздан ортиқ узатилган қўлларнинг қай бирига сўнгги нонни беришни билмай қолган сотувчи - Йўлдош ака ҳайрон эди.

Ҳар куни шу аҳвол. Қулаб тушган дўкон эшиги эса пешинга қолмай таъмирланарди. Қоплаб ун сотиш жиноят ҳисобланарди. Бир ёки икки килолик қоғоз пакетга солинган ун киши бошига бир донадан ортиқ сотилмасди. Ҳозирги ёшларга бу воқеаларни айтиш ғирт эртакка ўхшайди-ю, аммо бу - бор ҳақиқат.

Энди тасаввур қилинг-а, ерга тушган бир дона бошоқ дастурхонингиздаги сўлқилдоқ нонга айлангунча, деҳқоннинг қанчадан-қанча меҳнати сингади. Гоҳо нонуштага нонингиз қолмаса, тонг отгунча юрагингиз увишиб туради. Дастурхонингизда минг хил ноз-неъматлар бўлса-ю, бир дона нон бўлмаса, унинг файз-барокати йўқолади. Гап-гаштакларингизу, тўю томошалар, ҳар қанча орзу-ҳаваслар, Самарқанд патирларию, Тошкент ширмойлари, гул нон, лочира, пиёзли, жиззали нонлар билан файзлидир. Унинг увоғини ҳам кўзга суртмоқ, қадрламоқ ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми?! Ҳа, азизлар, ҳамиша дастурхонимиздан нон аримасин, десангиз атрофингизга сергакроқ боқинг! Бу фикрни фарзандларимиз онгига қаттиқроқ муҳрлайлик.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ**

# САДОҚАТЛИ АЁЛЛАР

### БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Ҳалима опа хонадонига кириб борганимда у киши мени илиқ қарши олди. Сўрида Дилрабо ётарди. У 22 йилдан бери тўшакка михланган. Унинг қўллари ва оёқлари ишламайди. Ташқарига чиқолмайди. Уйнинг шифтига қараб ётгани-ётган. Оллоҳим ўзи тўзим берсин унинг меҳрибон онасига. Ҳалима опа 70 ёшларга яқинлашган, сочлари оппоқ, кеча-ю кундуз қизига парвона. Овқат едириш, устбошини ювиш, таҳорат... Агар бирор кору ҳол бўлса-ю, она қазо қилса унга ким қарайди? Акалари ёки янгалари, келинларими?

Дилрабо 1981 йили Самарқанднинг Каттақўрғон туман тиббиёт билим юртини тугатган. Дилрабо Тўхтаева "Зарафшон" ширкат хўжалигининг Заргарон қишлоғидаги ҳудуд тиббиёт бўлимида ишлай бошлади. Аммо қаттиқ касалликка чалинди. 7 ой турли дори-дармонларни олди, лекин нафи бўлмади. Ўн гулидан бир гули очилмаган қиз оғир хасталик туфайли ётиб қолди. Бу 8 фарзандни боқаётган бева Ҳалима опа учун қаттиқ зарба эди. Олиб бормаган шифокори қолмади. Аммо чора топилмади. Она... Эҳ оналар, оналар. Сизларга минг таъзим қилсак арзийди.

- Домла мен ҳам уёқ-буёққа борай, одамлар билан кўришай, эл-авлодларимдан бохабар бўлай, қалбимдагиларни айтиб, улар билан суҳбатлашай дейману, уйдан чиқолмайман. Фарзанд - қалбингни бир парчаси экан. Ахир қизим тенгилар фарзанд кўриб, келин қилдилар, набирали бўлдилар. Ҳозир Дилрабо 44 ёшда. 1-гуруҳ ногирони, 22 йилдан бери бир ўғлим ҳам 2-гуруҳ ногирони.

... Мен Дилрабони гапга тутдим.

- Дугоналаринг келиб-кетадими?

- Ҳа, Солиҳа, Роҳила келиб туради. Бошқалари узоқларга турмушга чиқишган.

- Орзуларинг кўпдир...

- Кошки ногиронлар аравачаси бўлса, ташқарига - тоза ҳавога чиқсам, ўтган-кетганни томоша қилсам, қуёш тафтини ҳис қилиш—менинг орзуим,- дейди хўрсиниб Дилрабо

- Туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига ногиронлар аравачаси учун неча марта бордим. Улар ваъда беришади-ю, амалда эса ҳеч вақо йўқ, - деди Ҳалима опа куйинчаклик билан кўзларига ёш олиб.

Мен Дилрабонинг ва онаизорининг бу гапларини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Қани эди сеҳргар бўлсаму, Дилрабони соғайтирсам, у ҳам кўплар қатори яшаши, турмуш қуриши, фарзандлар кўриши, ҳаётда севиб-севилиши мумкин эди-ку.

Ўйлайманки, ушбу мақола сабаб Ғиждувон туман ҳокимлиги, шунингдек, туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимлари Дилрабонинг ҳол-аҳволидан огоҳ бўлиб, зарур ёрдам чораларини кўрадилар...

### ИККИНЧИ ҲИКОЯ

"Зарафшон" ширкат хўжалигининг "Боқчағози" қишлоғида Нуриддин амаки деган киши яшайди. Ёшлари 81да. У киши-Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушдан қайтиб Маҳбуба аяга уйланганлар. Шу даврда 6 ўғилу, бир қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Бундан 11 йил олдин эса бирдан миясига қон қуйилиб, ўнг қўл, ўнг оёғи ишламай қолган.

- Рафиқам Маҳбуба ва фарзандларим менга қарашади. Агар фарзандларим ва турмуш ўртоғим бўлмаганида менинг ҳолимдан ким хабар оларди? Бахтимга шулар омон бўлишсин. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш байрами арафасида Президентимиз фармони туфайли ёрдам пули берилади. Бошқа вақт ҳеч ким хабар олмайди. Ҳозирги шароитда ҳар ким ўзи билан ўзи овора, - дейди Нуриддин Асадов.




Ҳа, ҳаётда кимдир шоду хуррам яшайди, кимнингдир кўнгли кемтик...

Хулосамни тожик шоири Бадриддин Ҳилолийнинг қуйидаги шеъри билан якунламоқчиман:

***Бевафо оламда ҳеч ким***
***хуррammас,***
***Одамзод наслига шодлик***
***ҳамдаммас.***
***Кимки бу жаҳонда бўлса***
***ғуссасиз,***
***Ё бу оламданмас ёки***
***одаммас.***

Ҳа азизлар, ногиронларга, кексаларга меҳрли, мурувватли бўлайлик.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

# ЯХШИЛИК ДАРАХТИ ГУЛЛАЙВЕРСИН

Меҳр-мурувват осмондан тушмас экан. У аввало инсон қалбида ниш уриб, томир отаркан. Инсон ақл-идроки-ю тафаккуридан озиқланиб гулларкан, мева бераркан.

Эрталабки нонуштага дастурхон ёзилган эди. Ташқаридан кимдир чақиргандай бўлди. Бир оздан кейин қизим бир коса қаймоқ кўтариб кирди. Қўшнимиз сигир олганди. Бир ҳафтача бўлди, туғиб берибди. Қўшним ажойиб, баҳоси йўқ аёл-да. Мана, нонуштага есин деб бизга қаймоқ илинибди.

Албатта коса қуруқ қайтмайди. Иссиқхонада пишиб турган помидордан идишини тўлдириб чиқариб юбордик.

Инсон ҳаётида тўй-томошалар, маърака-маросимлар кўп бўлади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам эсда қолавермайди. Аммо асакалик Аҳмад Ҳожининг туғилган кунига етмиш, оила қурганига эллик йил тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилей кечаси шундоқ хотирамга муҳрланиб қолди. Аҳмад ота бу табаррук ёшга етгунча узоқ масофани босиб ўтди. Болалигида етимликнинг озорини чеккан бўлса, айни навқирон ёшида уруш даҳшатларини бошидан ўтказди. Кейинчалик омади юришиб, раҳбарлик лавозимларида ишлади. Беш ўғилни уйли-жойли қилди, олти қизни узатди. Мана энди рафиқаси Ҳалимахон ҳожи она билан қарилик гаштини суришаяпти.



Ўша куни ҳовлига одам сиғмай кетди. Табрик учун сўз олувчиларнинг кети узилмади. Тантана айни қизиган пайтда Ҳалимахон ая чолига ўз қўли билан тўн кийдириб, белбоғ боғлади, бошига Анжаннинг моҳир чеварлари тиккан дўппини кийдирмоқчи бўлганди, Аҳмад ҳожи бўйи баланд эмасми, бошини аёлига эгиб турди. Ҳалимахон ая дўппини кийдираркан, кўзларига тўлган жиққа ёш серажин юзларига оқиб тушди. "Бошингиз омон бўлсин, Ҳожим. Нури—иймондан айирмасин, илойим", - деди. Шунда Ҳожининг ҳам кўзларида ёш қалқди, ўпкаси тўлди, қўлидаги дуррасини кўзига босди. Йўқ, улар сира йиғлаётганлари йўқ. Кўз ёшлари юрак тубидан булоқдек қайнаб чиқарди, уни тўхтатиб бўлмасди...

Ўша манзара ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Ахир эллик йил бирга яшаб, бола-чақа орттириб, турмуш ташвишларига дош бериб, шу табаррук ёшга етиш осонми? Олтита куёв, бешта келин ва кундан-кунга кўпайиб бораётган зурриёдлар... Агар Аҳмад ҳожи билан Ҳалимахон аянинг қалбида меҳр-мурувват дарахтлари чуқур илдиз отмаганида уларга бу фароғатли умр насиб қилармиди, дея ўйлаб қоламан.

Ҳа, меҳр-мурувват осмондан тушмас экан.

Яқинда маҳалламиздаги бир оила жанжалига аралашишга тўғри келди. Келин оғзидан боди кириб, шоди чиқар, кўч-кўронини ташқаридаги машинага ташиб чиқар, ҳеч кимни писанд қилмас, ҳеч кимга қиё боқмасди. Қайнона бўлса қўлларини белига тираган, ғазаб отига минган, кўзлари ғалати чақнаб, қарғашдан бўшамасди.

Шу пайт ўғил ишдан келиб қолди. Бу воқеага ҳайрон ҳам бўлмади, қизишмади ҳам. Тўғри уй ичига қараб юрди.

- Эй, бола, эркакмисан ўзи? Хотинингни жавобини бер! Мен тирик эканман, бу алвасти билан яшамайсан!

- Қўйинг ойи, учта гўдак бор, уволи кимга?..

- Ўнта бўлгандаям, тамом, воз кечасан!

- Ана, ландовур ўғлинг, керак бўлса эртагаёқ уйла!

- Уйлайман, кўрасан, ўғлимга қиз хотин олиб бераман!

Бундай вазиятда тил калимага келмайди. Жўяли маслаҳат ҳам беролмайсан. Энг ёмони ҳар икки тарафнинг елкасида Шайтони лаин ўтирибди. Можарога сабабчи бўлганидан оғзи қулоғида. Бундай пайтда уларга на насиҳат кор қилади, на дашному, на койиш. Хуллас, қора булутлар ўтиб кетишини кутиш керак. Энг яхши малҳам, бу-вақт!

Шундай бўлди. Орадан бир ярим ой чамаси фурсат ўтди. "Ландовур" ўғил келинни кўч-кўрони билан яна қайтариб олиб келди. Қайнона эса ҳар иккаласини қарғаб, қайсидир қизиникига гум бўлди...

Мен раҳбарлик қилаётган юқори синф ўқувчиларидан бири икки кунга рухсат сўради. Биламан, эсли-ҳушли бола. Ёлғиз онаси билан яшайди. Отаси оғир дард туфайли ҳаётдан кўз юмган.




- Майли, ўғлим, рухсат бераман, фақат сабабини айтгин.

- Еримиз етилиб қолди, шуни ағдариб чопишим керак.

- Бўпти, дарсдан кейин натижасини айтаман, - дедим.

Дарс охирида синфга кирдим. Ўктамга жавоб бердим. Қизларга ҳам кетишга рухсат бўлди. Ўғил болаларни олиб қолдим. (Синфда 17 нафар ўғил бола бўлиб, шу куни ўн тўрттаси синфда ҳозир эди).

- Болалар, синфдошингиз Ўктам икки кунга рухсат сўради, сабаби-ер чопаркан. Шунга тушликни қилиб, ҳар бирингиз белкурак билан келсангиз, Ўктамга ёрдам берардик.

Болалар бир овоздан рози бўлишди. Кун ботмай, ишни якунладик. Онаси дуо қилди. Ўктам бизни кўчагача кузатиб чиқди. Кўзларида меҳр-оқибат учқунлари чақнаганини синфдошлари ҳам сезишди.

Ҳа, меҳр-мурувват осмондан тушмас экан. У аввало инсон қалбида ниш уриб, томир отаркан.

Қўшни аёлнинг ўзларидан ошириб, бизга қаймоқ чиқаришга жазм қилиши, Ҳалимахон ая Ҳожига дўппи кийдираётган пайтда уларнинг кўзларига тўлган ёшлар, "ландовур" отанинг уч норасида гўдагига раҳм қилиб, рўзғорини қайта тиклаши, Ўктамнинг синфдошларини кузатаётган пайтда юрагида жунбушга келган ҳислар—меҳр-мурувват мевалари эмасми? Яна ким билади? Ўзгалар меҳр-мурувватни бошқача кашф қилишар. Майли, ҳар кимнинг хоҳиши. Менинг жайдари фалсафам шу: меҳр-мурувватни ҳар бир инсон қалбида ниш уриб ўсиши, тобора гуллаб-яшнаб, улкан дарахтга айланишини жуда-жуда хоҳлайман.

**Абдулаҳад ЎРМОНОВ**
**Андижон вилояти,**
**Асака туманидаги**
**7-ўрта мактаб ўқитувчиси**

# УСТОЗ ЖАБРИ- ОТА МЕҲРИДАН АФЗАЛ

*Тарбия соати*

12 ёшлигимда 5 ука-сингилларим билан ўгай она қўлида қолдик. 1960 йил... Кичкина Алимардон уч ойлик эди. Отам қоровуллик қиларди. Кийинишга уст-бошимиз, ейишга нонимиз йўқ пайтлари... Мардикорлик қилардим, ғишт қуярдим. Мактабга бориш - иккинчи даражали иш ҳисобланарди. Онамиз бизнинг келажак тақдиримизга бефарқ эди.



Бир неча кун мактабга бормай, ишлаб, баъзида отамга ёрдам бериб юрганимда, синф раҳбаримиз (раҳматли) Солижон Шодиев уйимизга келиб, ўгай онам билан жанжаллашиб, мени мактабга олиб бордилар. Шу билан яна мактабга қатнай бошладим. Кунларнинг бирида устоз ҳовлимизга келиб, мактабга костюм-шим кийиб боришим кераклигини отамга уқтирдилар. Муаллимларимиз - Берди Ҳамроев, Жаъфархон Ҳодизода, Аврен Рубинов, Ўроқ Аҳадов, Раҳматилла Баҳриев, Меҳри Нарзиқуловалар чин дилдан дарс ўтардилар, шу туфайли олийгоҳда ўқиш менга насиб этди. Шу ўринда ўз меҳрини бизлардан аямаган биринчи ўқитувчимизни ёдга олмасам бўлмайди. Норбиби Тўрақулова ҳаммамизга алоҳида ширин муомалада бўлар, кўнглимиздагини билардилар. Бир куни ўқишдан кейин мени ўзлари билан уйларига (ҳовлиси мактаб яқинида эди) олиб бормоқчи бўлдилар. Мен уялиб, ўзимни ноқулай ҳис этардим. Буни сезган устоз: "Юр, уйда арифметикани машқ қиламиз, ҳусниҳатинг устида ҳам ишлаймиз",-деб қўймадилар. Менга арифметикадан мисоллар ёздириб, ўзлари уй юмушлари билан шуғулланиб, вақти-вақти билан келиб, хатоларимни тузатиб турардилар. Ўша пайтлар ҳозиргидек устозларнинг туғилган кунларини нишонлаш, байрамларда совға бериш ёки ўқувчига баҳо қўйишда ота-онаси эгаллаган мансаби, бой-бадавлатлигини инобатга олиш, ҳаттоки мактабни таъмирлаш учун маблағ йиғиш каби салбий "одатлар" йўқ эди. Сабаби, бу ҳолатлар устозларнинг ҳурматига, обрўсига қаттиқ таъсир қиларди. Тўй маросимларида дарвоза олдида ўтирган мезбонлар, муаллим узоқдан кўринса ҳам "Устоз келаяптилар", - деб ўринларидан туриб кутиб олишарди. Устозга ҳурмат шунчалик баланд эди.

Устозлар тўғрисидаги яна бир воқеани эсламасдан иложим йўқ. 11-синфни тугатаётганимда, битирувчиларга бағишланган кечада кўпчилик ота-оналар болаларига эсдалик учун ҳар хил совғалар топширар эдилар. Буни кузатиб турган синф раҳбаримиз, раҳматли Абдурашид Ҳамидов, шогирдимнинг кўнгли ранжимасин, деб қўлидаги соатини ечиб, ҳеч кимга билдирмасдан, отам номидан менга совға қилганлар. Бу воқеага 40 йилдан ошган бўлса-да, кечагидай кўз олдимда, эсласам энтикиб кетаман.

Устоз бағрикенглигини университетда ўқиб юрганимда ҳам кўрдим. Халқимизда: "Устознинг жабри-ота меҳридан афзал", деган мақол бор. Отадан қолган бойлик бир кун келиб тугаши мумкин, лекин устоздан ўрганган билим - кўникма эса бир умр сизга ҳамроҳ бўларкан. Шу сабабдан болаларим, набираларимга меҳридарё устозларим ҳақида яхши сўзлар айтиб эслайман. Ҳаётда ўз ўрнимни топишимга, дўстларим орасида ҳурматга сазовор бўлишимга устозларимнинг насиҳатлари энг катта дастурул-амал бўлганини ғурурланиб айтгим келади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шеъри билан айтганда:

***Дунёда кўп нарса унутилади:***
***Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайғулар,***
***Унутилиб борар муҳаббат дарди,***
***Унутилар ҳатто юракдаги дарз.***
***Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,***
***Унутилмас улар олдидаги қарз.***

Шогирд устозга қанча таъзим қилмасин, у устози олдида бир умр қарздордир.

Шогирдлар бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинглар, Устозлар.

**Баҳром ИСТАМҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Самарқанд тумани,**
**Чоршанба қишлоғи**

# БУ ХОНАДОНДА БАХТИЁРМАН

2002 йил 18 май куни ҳаётимда эсимдан чиқмайдиган ажойиб севинчли кун бўлди. Ўз қишлоғимнинг бир меҳрибон, аҳил оиласига келин бўлиб тушдим. Хонадонда яшайдиган инсонлар жуда ҳам камтарона, қалби тоза, меҳрибон экан. Шу хонадон бекаси (қайнонам) ойимни ўз онамга ўхшатаман. Билмаганимни ўргатди, хатоимни тузатди, ширин сўзлари билан мени ўзига ром этди. Мана 2 йил бўлибдики, бирор марта менга баланд овозда гапиргани йўқ. Ҳозирги вақтда худди она-боладек тинч-тотув яшаб келмоқдамиз.




Қайнотам ҳам менга бўлган меҳрибончилиги билан ўзига нисбатан қалбимда меҳр уйғотди. Мен бу бебаҳо инсонларга дунёдаги жамики эзгу ниятларни тилайман. Биз - фарзандлар бахтига доимо соғ бўлиб, бошимизда парвона бўлиб, набира, чевараларининг ҳам тўйларида бош-қош бўлиб юришсин!

**Ҳусния РАҲИМОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Иштихон тумани,**
**М.Жўраев ж/х,**
**Сафохўжа қишлоғи**

## БИР-БИРОВИМИЗГА МАДАД БЎЛСАК...

*Азиз мухлислар! Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 20-сонида (13-19 май, 2004 йил) бундан олти йил олдин (1998 йил-48 сон) чоп этилган Лобар исмли жувоннинг "Юрагим дардига малҳам излайман" дил изҳорини такроран чоп этгандик.*

*Аввало ўша мақоладаги воқеани яна бир бор Сизга эслатсак. Таҳририятимизга бир йигитнинг номардлиги туфайли ҳомиладор бўлиб, энди дардига давони қайдан топишни билолмай қолган Лобар исмли қиз келганди. Лобар таҳририятимизнинг мисоли ўз қизига айланди. «Дил изҳори» газетада чоп этилгандан сўнг юртдошларимиз унга кўплаб мактублар йўллаб, йўл-йўриқ, маслаҳатлар беришганди. Такроран чоп этилган ўша дил изҳори сўнгида Лобардан кейинги тақдири қандай кечганлиги тўғрисида ёзиб юборишини сўрагандик. Лобар таҳририятимизга келди. Шодон кулгиси чеҳрасига ярашиқли, ўз севган касбини давом эттираётган Лобар илтимосимизга асосан, кейинги тақдирини ёзиб келибди. Унинг ёзганларини ўқирканмиз, яна бир бор кўнглимиздан шундай фикр-ўйлар кечди: Бу мураккаб ҳаётда инсон адашиши, қоқилиши, йиқилиши мумкин. Лекин ўз иродаси-ю эътиқодидан кучқувват олиб қайтадан ўрнидан туриши, бу қисқа, аммо гўзал ҳаёт қувончу шодликларидан тўла баҳраманд бўлиши аввало ўзига, сўнгра эса атрофидагилар-яқинлари, дўст-ёрлари,-бизу сизга-ҳаммамизга боғлиқ экан.*

*Бахтиёрлик... юқумли бўлади. Кимнингдир бахтиёрлигини кўрсангиз, бу туйғу сизга ҳам кўчади, юрагингиз енгил тортади, бугунингизга, эртангизга ишончингиз ортади. Лобарнинг бахтиёр чеҳрасидаги нур бизнинг ҳам кўнглимизга, вужудимизга кўчди. Демак, бир-бировимизга мадад бўлсак, бир-бировимизга таянч, суянч, тиргак бўлсак, ҳаётимиз гўзаллашади, теварагимизда бахтиёрлар сафи ошгандан ошаверади. Бир-бировимизга яхшилик қилишдан, ҳеч бўлмаса, яхши сўзимизни айтишдан толмайлик, азизлар!*

*ТАҲРИРИЯТ*

# БОР БЎЛИНГ, ЯХШИ ОДАМЛАР!

"Дил изҳори"нинг давоми

**Ассалому алайкум, ҳурматли ва мен учун энг азиз бўлган "Оила ва жамият"!**

Орадан шунча вақт ўтганидан сўнг мени яна эслаганингиз, яшаш учун курашга чорлаганингиз учун минг бора ташаккур!

Гоҳида, баъзи кимсалардан "Оила ва жамият" майда-чуйда муаммолар орасида ўралашиб қолган", - деган гапларни эшитганимда, юрагимга наштар санчилгандек бўлади. Бу ҳаётда истаймизми-йўқми, хуш-нохуш воқеалар содир бўлиши ва уларнинг қаламга олиниши табиий ҳол...

Азизим "Оила ва жамият"! Энг аввало, менинг дунёни қайта танишимга, дунёда **ЯХШИЛАР** борлигини кашф этишимга сабаб бўлган сенга, онамдек азиз ва мўътабар зот - газета бош муҳаррири Дилбар Саидовага таъзимдаман. Истагим, ёзганларимни бор ҳолича газета саҳифаларида чоп этсангиз.

...Бундан олти йил олдинги тўфонли воқеаларни эсласам, ҳали-ҳануз бутун вужудим титрайди. Дарҳақиқат, бошимга тушган кўргулик олдида довдираб қолгандим. Оиладаги қаттиқ тартиб-интизомдан азбаройи қўрққаним, бу иснод ота-онамнинг бошини эгиб қўйиши мумкинлигидан туғилажак боламни... ҳатто ўзгаларга фарзандликка беришга ҳам рози бўлгандим! Ҳалигача шу кўйга тушганим, шу қарорга келишга мажбур бўлганим учун ўзимни кечиролмайман. Аммо, бандасининг эмас, балки Оллоҳнинг айтгани бўларкан. Хуллас, фарзандталаб кишилар кўп бўлди. Лекин айнан туғруқхонага кетишим арафасида улар мендан чўчибми, ҳадиксирабми, алоқани узишди.

...Вилоят туғруқхонасида кўзим ёрган куни феврал ойининг биринчи қори ёғди. Мен туққан кезларда чақалоқлар туғилиши биланоқ она ёнига эмас, балки ёнидаги болалар аравачасига солиб қўйиларди. Болам туғилган лаҳзаларни ҳеч қачон унутмасам керак. Доя гўдагимни ёнимга келтириб қўйди. Эндигина туғилган, бир парча этдан иборат гўдак менга тикилиб-тикилиб қараётганини, нигоҳида эса аллақандай жиддий маънони илғаб, юрагим ҳаприқиб кетди. Оллоҳнинг иноятини қарангки, мендан пайдо бўлган "Мен"им менга жимгина, сўзсиз термулиб ётарди!!!

Палатага ўтказишгач, хаёлларим ичра ғарқ бўлдим. Энди тақдиримиз нима бўлади, деган савол менга тинчлик бермасди.

- Мўминова ким? - хаёлимни ёш санитар қизнинг овози бузди.

- Мен, - дея олдим базўр.

- Туғдингизми?- мен "ҳа" дегандек бош ирғадим.

- Нима?

- Ўғил...

- Вазни қанча? - санитар қиз бир зумда саволларига жавоб олдию кўздан ғойиб бўлди. Зум ўтмай бўлмага оппоқ кийинган бир гуруҳ шифокорлар кириб келишди.

- Ҳа, Лобар Мўминова, - деди ўрта ёшлардаги шифокор. - Қандай, эсон-омон қутулиб олдингизми? Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз? Нега қизимизга халат бермадиларинг? Овқат бердингларми? - дея ёнидагиларга юзланди.

Мен эса содир бўлаётган воқеаларга тушунолмай карахт эдим. Мени туғдирган шифокор ва ҳамширалар кўз очиб-юмгунча шифокорнинг (кейин билсам, у киши туғруқхона бош шифокори экан) айтганларини бажо келтиришди. Кейин англашимча, туғруқхонага «Оила ва жамият»дан қўнғироқ қилишган, менга ҳамда боламга эътибор билан қарашларини бош шифокордан илтимос қилишган экан. Шундан шифокорлар менга нисбатан ниҳоятда мулойим муомала-муносабат қилишаётган экан.



Тушдан кейин эса болалар шифокори мени пастда кутишаётганини айтиб қолди. Не кўз билан кўрайки, пастда газета бош муҳаррири Дилбар опа ва ёнида ёрдамчилари - Наима опа туришарди. Уларни кўриб, бошим осмонга етди! Опа мен ва фарзандим соғлиғи билан қизиқдилар. Менга егулик олиб келганларини кўриб, хижолат бўлдим. Опа менга руҳий далда бериб, шифокорларга нималарнидир тайинлаб, самимий хайрлашдилар...

Биласизми, ҳаёт гирдобига тушиб қолган одам - мен, нечоғли карахт бўлмайин, энди Она эдим. Мен қалбимда пайдо бўлган улкан муҳаббат туфайли чақалоқлар бўлмасига бориб, дам-бадам боламдан хабар олар, эрта-индин ишга тушиб кетсам, у кимнинг қўлида қолади, мен бу айриликқа қандай дош бераман, дея кўз ёш тўкардим. Куни кеча мен ўз оромимни ўйлаб ўз фарзандимни бировларга беришга рози бўлган эсам-да, боламни эмизган чоғимдаёқ ўз-ўзидан бу ҳислар мени буткул тарк этди. Боламни эмизарканман: "Энди нима қилсам йўлимни топиб кетарканман?" - дея ўз-ўзимга савол берар, боламдан айрилишни мутлақо истамасдим. Боламни боқиш - мана шу истак энг муҳим мақсадимга айланди.

Ҳужжатларимдаги чалкашликлар туфайли туғруқхонада анча муддат қолишимизга тўғри келди.

1999 йил 15 феврал куни мен яқин дугонам, ҳаёт йўлимда учраган яхши кишилар кўмагида туғруқхонадан чиқдим. Ҳомиладорлик таътилига чиққач, менга анча вақтгача декрет пулимни бермай сарсон қилишганди. Туғруқхонада ётганимда Дилбар опа газета номидан ишхонамга телефон қилиб, декрет пулимни беришларини талаб қилганлар. Улар ҳаммасини тўғрилашган. Дугонам ишхонамга бориб пулимни олиб, бозор-ўчар қиларди.

Касалхонадан келаётганда у менга:

- Лобар, энди бир ҳафта янгамнинг уйида бўласизлар. Мен пулингизга зўр егуликлар харид қилиб, олиб келиб қўйдим, - деди.

Гап-гапга уланиб, манзилга етиб келдик. Борган уйда на ейишга, на ичишга бирор нарса бор эди. Саволомуз нигоҳимни ҳис қилган дугонам яқинларининг қилмишидан хижолат бўлиб, дарҳол дўконга чопди.

Она - улуғ зот, оналик, она деган номга мушарраф бўлиш эса улкан бахт. Фарзандим дунёга келгунга қадар мен ҳали бу туйғуни ҳис қилмагандим. Туғруқхонага кетаётганимда уч нафар қизалоқнинг онаси бўлган бир аёл: "Агар ўғил туғсангиз, мен фарзандингизни ўз тарбиямга оламан", - деган, дугонам орқали сўроқлаттирган эди. Мен қўлимга фарзандимни олган кун, эмиза бошлаган лаҳзадаёқ уни бировга бериш у ёқда турсин, керак бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам уни тишимда тишлаб боқаман, деган қарорга келгандим! Энди ўша мурғак гўдак учун ҳамма нарсадан воз кечишга, йўлимда учраган барча қийинчиликларга чидашга тайёр эдим.

Дугонамнинг қариндошлариникида ўша кеча тунаб қолдик. Талабалик йилларимда мен йиғиб-териб олган маошимга оқ кўзли узук сотиб олган ва бирор кунимга яраб қолар, деган умидда уни ҳанузгача асраб юрардим. Ҳаётимдаги кескин бурилиш туфайли боламнинг ҳаётини асраб қолишга сабабчи бўлган, икки ой давомида мени дард-ташвишим билан яшаган дугонамга совға қилишга қарор қилдим. Қолаверса, ўтган кунлар давомида мен билан баравар азият чекиб, болам ҳаётини сақлаб қолишга кўмак берган, унга нисбатан қалбимда улкан меҳру муҳаббат уйғотган, эзгулик фаришталари Дилбар опажонимга, Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой жамияти раиси Муфаррах Каримовага бутун умр таъзимдаман!

Узоқ ўйланган режага мувофиқ фарзандимни ўз опамга пул бериб боқтиришга, "дугонамнинг ўғли",- дея таништиришга азму қарор қилган эдим.

1999 йилнинг 16 феврал куни кечқурун уйга кириб бордик. Онам қўшниникида экан, укам "меҳмонлар келди", - дея чақириб чиқди.

Онам чақалоқни йўргакдан ечаркан, дугонамдан:

- Қизим, оилангга нима бўлган? - деб сўради.

- Оилам... - дугонам кутилмаган саволдан эсанкираб қолганини сезиб, қўлини маҳкам қисиб, далда бердим. - Турмуш ўртоғим... қамалган. Боламни бир амаллаб боқишим керак, сизларни рози қиламан. Бу ёқда ўқиш, иш...

- Майли, болам. Ўқисанг, эртага роҳатини кўрасан. Вой, жоним, жоним... Тагини ҳўл қилибди-ку, полвон... - Онам чақалоғимни ечинтириб, қўлига олдию: "Вой, бу бола болаларимнинг гўдаклигини эслатди. Қўлини қара, оёғини..." - деса бўладими?

Шу маҳал хонага отам кириб келди. Зиёфатдан келган шекилли, юзлари қизариб, бўғриқиб турарди. Отам дугонамдан ҳол-аҳвол сўраб, ўғлимга қаради.-«Ия, буни қара, қизим, - деди дугонамга юзланиб. - Сенинг боланг менга ўхшайди-я!»

Уларнинг бу гапларидан дугонам иккимиз лол, тилимиз калимага келмасди. Биз уларга ёлғон гапиришга мажбур бўлсак-да, лекин ота-онам Оллоҳнинг каромати ила ҳақиқатни юзага чиқариб туришарди...

Шу тариқа ўғлимнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Мен ишлаб, фарзандимни тарбиялай бошладим. Биринчи маошимга ўғлимга атаб яхши ниятлар билан (уйдагиларга буни айтганим йўқ, албатта) иккита қўй олдим. Буни қарангки, бир ой ўтгач, иккала қўй ҳам бирин-кетин туғиб, уйимизга ризқ-рўз кира бошлади.

Мени бахтсизлик ботқоғига ботирган Қодирнинг тақдири нима бўлди, дерсиз? У касаллиги туфайли ногиронлик нафақасига чиқди. Қилмишлари учун тавба-тазарру қилди. Лекин, афсуски, энди кеч эди.

- Мен сизларни ташлаб қўймайман. Онам ўлгач... никоҳимга оламан, - деган гапини эшитиб, унинг юзига тарсаки тортиб юбордим. Бир инсоннинг тақдирини тупроққа қоргани етмагандек, ўз онасининг ўлимини кутиши... Шу билан ўртамиздаги муносабат бутунлай узилди. Уни кечирмадим, кечиролмадим...

Ҳозир ўғлим беш ёшдан ошмоқда. Боғчага қатнайди, зеҳни ўткир, тиллари бийрон. Ўғлим менга ҳам, оиламизнинг барча аъзоларига ҳам бирдек меҳрибон (илоҳим, охиригача шундай бўлсин!) Кунлар ўтган сайин у қуйиб-қуйгандек ўзимга ўхшаб борарди. Бунинг устига дугонам уйга менга нисбатан кам келарди. Эшигимиздан совчилар узилмас, мен эса совчи юборган йигитларнинг ҳеч бирига рўйхуш бермасдим.

Хуллас кунларнинг бирида сир "фош" бўлди. Ота-онам учун бу машъум гапларни эшитиш нечоғли оғир бўлмасин, уларнинг кўз ўнгида ўсган боламга тушган меҳрлари сабабми ёки этни тирноқдан ажратиб бўлмайди - тақдир, дейишдими, гуноҳимдан ўтишди.

Мен ўтган кунларни тез-тез эслайман, ўша машаққатли дамларда менга ҳар томонлама мадад бўлган барча-барча **ЯХШИ ИНСОН**лардан ўла-ўлгунимча миннатдорман. Яшаш яхши, ён-атрофдаги сенга мадад бўлгувчи инсонларнинг меҳр булоғидан баҳраманд бўлиш эса улкан бахт экан.

Бахтимизга бор бўлинг, **ЯХШИ ОДАМЛАР!**

**Эҳтиром ила ЛОБАР.**

# УМРНИНГ ДАВОМИ...



Умрнинг давоми қанақа бўлади ўзи?

Давомийлик-фарзандлар, авлодлар деймиз. Ҳаётда шундай улуғлар, шундай қалби буюк шахслар бўлар эканки... Улардаги давомийлик янада бошқача... таърифига сўз топиш қийин.

2004 йил, 9 апрел. Улуғ жума куни... Кўз ёшларимиз сел бўлган кун... Ҳеч-ҳеч тилим бормайди. Мен бу кунни давомийлик бошланган кун, устоз Йўлдош Сулаймон ҳаётида яна бир янги боқий умр муқаддимаси куни дегим келади, холос.

Олтмиш тўққизгина ёш... Чинор одамга бу ёш жуда оз... Бироқ, у чинор бўлганда ҳам сояи-салқини Ўзбекистоннинг чор тарафига, энг чекка жойларига ҳам, оддий-оддий кулбаларига ҳам ета оладиган чинор!

Биз ўша чинордан айрилдикми?

Йўқ, йўқ! Ҳеч қачон! У биз билан бирга... Мана, китобларини очаман... Устозни дарровгина топаман ва кўнгил изҳорларимни энди фақат йиғлаб-йиғлаб оппоқ қоғозлар қатига тўкаман.

“Муҳтарам азиз устоз! Сизга 2002 йилнинг 16 августида етмиш бешинчи мактубни битган эканман. Қаранг, ўшандан бери ўн саккиз ой ўтибди. Етмиш олтинчи мактубни ёзмабман. Ахир, Сиз энди Тошкентда эмас, Фарғонада эдингиз-да! Гоҳ бир ойда, гоҳ ўн кунда кўришиб турардик. Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимидаги тадбир, анжуманларда ҳамсуҳбат бўлардик. Мана энди... Дийдор қиёматга қолди. Фақат руҳингиз билан бир лаҳза ҳамсуҳбат бўламан.

Энди йиғлатгувчи ҳам ўзингиз. Айриликдан фарёд дод солиб келади. Лекин, яна ўзингиз дарровгина юпатиб қўясиз: “Туғилмоқ борки, ўлмоқ бор! Йўлдош Сулаймон ҳам одам. Кўз ёшни йиғиштиринг-да, қаламни маҳкам ушланг!”

Кўз ёшлар тўхтайди. Ҳа, дейман ўзимча... Ўлимнинг қачон келишини ким билибди! Шошилмоқ керак! Ва Сизга ўз-ўзимча сўз бераман.

- Устоз! Сиз тинч бўлинг. Оқ қоғозга тушган битта сўзингиз бўлса, агар тирик ва соғ бўлсам, излаб топаман. Кўзларимга тилло каби суртаман, одамларга етказаман. Умримни шу ишларга сарфлайман. Улар ҳеч қачон қоғозлар қатида қолиб кетмайди.

Сиз оҳиста, таскин топгандай бош қимирлатасиз.

Билдимки, туғилмоқнинг ўзи дийдор экан. Туғилдингми, демак дийдорга етибсан! Ёруғ дунё дийдорига, инсонлар дийдорига, меҳр, муҳаббат, вафо, оқибат дийдорига етибсан, кўнгил!

Инсонлар бир-бирига меҳр чўғини сочмаса, Меҳр таъмини, ҳузурини, дийдор онларидаги ширин дамлар лаззатини қаердан билар, қаердан ҳис этар эдик.

Сиз ана шундай меҳр нурларини сочгувчи инсон бўлиб яшадингиз! Муҳаббат улашгувчи, “одамлар, эй азиз одамлар, бир-бирларингизни севинг”, - дея ҳайқиргувчи дарёи-азим бўлдингиз! Инсонлар қалбига шундай муҳаббат ниҳолларини экдингизки, Сиздан куч олган, қудрат олганлар шоиру шоира бўлиб камолотга етдилар. Сиз уларнинг ҳар бири ҳақида китобларингизда ҳам ёзгансиз!

Эй, азиз устоз! Яна йиғи, яна фарёд келяпти. Кўз ёшлар дарё бўляпти. Бу Сизнинг қудратингиз! Ахир, қалбимда шундай бир меҳр-мўъжизани яшнатиб қўймаганингизда, ҳали-ку дарё бўлибман, арикча ҳам бўлолмасдим!

Устоз! Энди бу битиклар ҳар куни ёзилади. Ахир, кўз ёшлари оби-равон бўлиб, Сиз эккан Меҳр дарахтларига куч беради, қўлларга қалам тутқазади. Сиз-меҳрга, муҳаббатга тўймаган одам ҳамиша айтардингиз:

- Муҳаббат ҳақида, соф муҳаббат ҳақида, кўнгил азоблари ҳақида роман ёзаман, - дердингиз!

Энди бизнинг кўнгилларимиздан тошгани, Сизга аталган, Сизнинг меҳрингизга, муҳаббатингизга аталган сўзлар ўша “Муҳаббат” романига айланиб кетса, ажабмас.

**КЎНГИЛЛАРГА ҚУРДИК ОЛТИН САРОЙЛАР...**

*(Муҳтарам устоз Йўлдош Сулаймон сўзлари)*

**Дунё ўткинчимас, дунё боқийдир,
Туғилдикми, умр-этажак давом.
Беиз кетмас асло сочилган Меҳр,
Зийнатдир, ҳикматдир “Яхши”
деган ном.**

**Муҳаббатдан бино бўлгандир дунё,
Яна такрор айтай, Меҳр - устундир.
Нурли чеҳраларни, нурли кўзларни,
Севмоқ учун берди Оллоҳи Қодир.**

**Биз яхши яшадик, керакмас афсус,
Шукрлар айтайлик Раҳим, Раҳмонга.
Гоҳ азоблар чекдик, гоҳи шодумон,
Ҳар лаҳза интилдик нури-имонга.**

**Биз яхши яшадик, ортга бир қаранг,
Юракларга солдик чўғи ҳаяжон.
Китоблар бағрига жо бўлди кўнгил,
Ҳали кўп авлодлар топгайдир
нишон.**

**Биз яхши яшадик, шукр Оллоҳим,
Ўзинг суйган Ростни маёқлар этдик.
Қочдик ёлғонлардан, ғийбат,
риёдан,
Ҳалоллик деган қил кўприкдан ўтдик.**

**Биз яхши яшадик, кўзни олмади,
Бойликлар, ўткинчи ҳою-ҳаваслар.
Кўнглимизни ёзиб қалам толмади,
Илҳом тутди нияти тоза нафаслар.**

**Биз яхши яшадик, Оллоҳим берган,
Минг битта неъматин кўзларга
суртиб.
Шундай бир Меҳрга ҳамроз этдики,
Қўёлдик кўзлардан ёшларни артиб.**

**Биз олтин қасрлар қурмадик, тўғри,
Неки қурган бўлсак,
Дилларга қурдик.
Ҳали кўп авлодлар қувват олгудай,
Пешона тер тўкиб, аламни сурдик.**

**Эй, азиз инсонлар, кўринг,
бир қаранг,
Кўнгилларга қурдик олтин саройлар.
Улардан ҳаётга тўкиладир нур,
Кўзларида балқиб туради ойлар.**

**Биз яхши яшадик, нолишимиз йўқ,
Ҳеч қачон сўнмагай Меҳр қуёши,
У ҳаётдай лазиз, ҳаётдай боқий,
Етмагай оламнинг тарозу-тоши.**

**Биз яхши яшадик, шукрлар бўлсин,
Қодири Зул-Жалол иноятига.
Такрор айтай, Меҳр. Сенга тасанно,
Ҳар бандасин олсин ҳидоятига.**

***Матлуба Деҳқон қизи,***
*Фарғона вилояти*

# ХУШФЕЪЛ БОЛА ЭДИ...

2003 йил, 13 декабр юракларни ларзага соладиган, унутилмас санага айланди.

Фарёди дилларни ларзага келтирган бундай айрилиқ барчани гангитиб қўйди. Орамизда йўқ бўлса-да, ўчмас юлдуздек бир ёниб, меҳр-оқибат туйғуларини уйғотиб ўчган Фаррух Тўраевнинг ўлими барчани ҳаётга теран кўз, эътибор билан қарашга ундади. Энди 15 баҳорни қаршилаган Фаррух, ҳақиқатан ҳам синфдошларига ўрнак бўладиган, хушфеъл, меҳрибон, ширинсухан бола эди. Барчага қўлидан келганча ёрдамини аямайдиган Фаррухжон афсус энди орамизда йўқ. На илож, яратган Эгам олдида биз бандалар ожиз эканмиз. Фарзандининг доғида фарёд чекиб, қадди букилган, қалби чилпарчин, кўз ёшлари дарё бўлган маъсума онангга ва яқинларингга Худодан сабр тилаймиз.

**Гўзал ва Гулруҳ ҚОБИЛОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Каттақўрғон шаҳри.**

# УЙИМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ ЭДИНГИЗ



Бувижоним Тожинор ая Назарова ҳаёт бўлганларида 9 май куни 66 ёшни қаршилаб, бағримизни тўлдириб юрган бўлар эдилар.

Бувижоним, Сизнинг уйимиз тўрида савлат тўкиб турган расмингизга қараб термуламан. Гўё юзингиздан нур ёғилиб тургандек. Мен Сизни ибратли эртакларингизни соғиндим. Эсимда, кичиклигимда келинларингизни ёнингизга олиб тўй-ҳашамларга борар, бирор маслаҳатли иш чиқиб қолса қўни-қўшнилар албатта Сизнинг олдингизга оширарди. Биз 8 нафар фарзанднинг қай биримиз бетоб бўлсак ўзингизни қўярга жой тополмай қолардингиз. Худога шукр, ҳозир ҳаммамиз бахтли яшаяпмиз. Лекин ўша бахтимиз кемтикдек назаримда. Мана 9 йилдирки орамизда йўқсиз. Айниқса, тўй-маъракаларда қариндошлар йиғилганда, Сизнинг ўрнингиз жуда-жуда билиниб, кўзимизга беихтиёр ёш қуйилаверади. Бобожоним доим ҳақингизга Қуръон тиловат қиладилар.

Ҳа, Сиз шунчалик меҳрибон, одамохун, давлатли инсон эдингиз. Биз сизни ҳамиша қалбимизда ёд этиб яшаймиз.

**Неварангиз Чарос НАЗАРОВА,**
**Пайариқ тумани.**




# БУГУН СИЗНИ ЁДГА ОЛДИМ

Онам менинг давлатим, суянчиғим, ишончим эди, афсуски, мен ўз давлатимдан, суянчиғимдан айрилдим. Онам менга айта олмаган дилдаги гапларини, армонларини ўзлари билан бирга олиб кетди.



“Онаси борлар ҳеч қачон қаримайди”! - деганлари рост гап экан. Гоҳида мен онамни эслаб: “Оҳ, ойижон! Мени ёлғиз ташлаб, юракларимни ўртаб кетдингиз-ку?» - деб дод солгим келади.

Бизнинг отамиз бундан 25 йил аввал 53 ёшларида оламдан ўтганди. Ўша вақтда бизлар ёш эдик. Онам бечора 40 ёшида 3 нафар фарзанд билан ёлғиз қолди. Чунки, онамнинг биздан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Онамнинг ёлғиз ўзи бизни оёққа турғазиш учун тинимсиз меҳнатда, ҳаракатда бўлди.

Онамнинг касби тикувчи эди. Унинг меҳнатлари “нина билан қудуқ қазигандек” гап. Эслайман онам кечалари алламаҳалгача иш тикарди.Маҳалламизда унинг “чевар” дейишарди, тиккан либослари эса барчага манзур бўларди.

Онамнинг дилкаш, қизиқарли гапларини, ажин босган юзларини силашни, меҳнатда қадоқ бўлган қўлларини юзимга босишни, ҳаётда чеккан ташвишлари эвазига хиёл эгилган қоматларини кўришни жуда соғиндим. Онамсиз уйларимиз ҳувиллаб қолди. Уйга кирсам онамнинг ҳидларини туяман. Хаёлан улар билан суҳбатлашаман, руҳига дуолар ўқийман.

Яқинда қабристонга бордим. Назаримда, онамни ўша ерда топадигандек умид билан бордим. Онамга кўп гапларимни айтолмаганман. Дардларимни фақат онаизорим тинглардди. Қабристонга бордим-у, бир уюм тупроққа қараб юм-юм йиғлаб қайтдим. Биламан, буларнинг барчасини онамнинг руҳлари кўриб турибди.

Ҳар йили 20 июнь куни онамни туғилган кунларини нишонлардик. Шундай кунларда онам жуда хурсанд бўларди. Айниқса, набиралари айтиб берган шеърларини тинглаб, қувончдан кўзларига ёш олар эди. Бугун эса менинг кўзимда ёш, меҳрибон, ҳокисор онам орамизда йўқ.

Онам доим бир сўзни такрорларди. “Қўлингдан келса яхшилик қил, яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма!” - дерди.

Онамни бирон марта бир инсонга ёмонлик қилганини билмайман, доимо қўлларидан келганча яхшилик қиларди ва бизга ҳам шу ўгитни берарди. Умрларининг охирги йилида Оллоҳ берган дарддан жуда кўп азоб чекди. Бир қанча шифокорларга кўрсатдик. Фойдаси бўлмади. Бир кун уйга уларни кўргани борсам: “Болам, бу дарддан тузалиб кетармикинман ёки шу дард мени олиб кетармикин? Ҳеч тузалишга ишонч йўқ”, - деди.

Афсуски, бешафқат ўлим онамни 66 ёшларида олиб кетди. Онамдан айрилиш мен учун жуда оғир бўлди. Бирор набирасининг камолини, тўйларини кўра олмади. Уларнинг фарзандларини қўлига олмади. Шуларнинг барчасини ўйласам кўзимдан соғинч, армон ёшлари тўкилаверади.

Мен бугун сизни ёдга олдим онажон!. Сизни маъюс кўзларингизни, юмшоқ сўзларингизни соғиндим. Оллоҳ менга қанча умр беради, қанча сабр беради, билмадим. Сизни қумсаб, барча оила аъзоларимиз номидан руҳингизни шод этиш учун ушбу ёдномани ёздим. Сиз ҳамиша ёдимизда, дилимизда яшайсиз. Оллоҳ сизни ўз раҳматига олган бўлсин! Қабрингиз нурга тўлсин. Илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин, **Азиз Онажон!**

**Қизингиз Шоира**

# ҚАБРИНГИЗ НУРГА ТЎЛСИН

Мен 26 йилдан буён алоқа бўлимида ишлайман. “Оила ва жамият” газетасининг мухлисларига севимли нашрларини вақтида етказиб бериш учун хизмат қилиб юрибман.

Қайнонам раҳматли билан 22 йил бирга яшадим. У 65 ёшида вафот этди. Мана, 5 йилдирки мен ва болаларим у кишини эслаб, фақат соғиниб яшаймиз. Мен қайнонамнинг озми-кўпми хизматини қилдим. Фақат яхшилик билан эслаб тураман. Лекин қайнонамнинг ўрни жуда билиниб, ич-ичимдан эзилиб кетаман. У дунёлари обод бўлсин. Баъзан жуда соғиниб, йиғлаб ҳам оламан. Жуда ҳам қийналганимда берган маслаҳатларини эслаб, қумсаб қоламан.

Севимли газетамга қайнонам ҳақида ёзсам кўнглим бироз таскин топармикан деб ўйладим. Бийижон! Сизни соғинамиз. Нима қилсак ҳам сизни эслайверамиз. Сиз жуда содда, меҳрибон эдингиз. Илойим қабрингиз нурга тўлсин.

**Келинингиз Саноат МУИДОВА,**
**Қарши шаҳри.**

Укамни орзу-ҳавас билан уйлантирдик. Афсуски келин бокира эмаслиги сабабли ажралишди. Шундан кейин укамнинг қизларга ишончи сўнди.

Назарида ҳамма қизлар шундай бўлиб туюлади. Лекин, мен ўзбекнинг покиза, иболи, ҳаёли, иффатли, андишали қизлари борлигига умид қиламан.

Агарда шундай қизларнинг укам билан юлдузи тўғри келса, орзу-ҳавас билан тўй-томоша қилардик.

Укамнинг 29да. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган йигит. Тижорат билан шуғулланади. Оилада кенжа фарзанд. Ота-онам билан туради. Ниятим шуки, укамга ибо-ҳаёли, ёши 18-26 ёшлар атрофидаги тошкентлик ёки Тошкент вилоятилик қиз бўлса, ота-онаси билан келишиб, бошларини қовуштириб қўйсак деган ниятдаман.

**С.**

**Манзилим таҳририятда.**

---

Ёшим 30 да. Маълумотим олий. Тикувчи ҳамда пазандалик ҳунарим ҳам бор. Оилада кенжа қизман. Ёши 35-37лардаги инсон билан турмуш қуриб, бахтли оила бекаси бўлиш орзусидаман. Тақдирим қўшилган йигитнинг 1 боласи бўлса ҳам, ўз фарзандимдек меҳр бериб тарбия қилардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулноз,**
**Бухоро шаҳри.**

---

Рафиқам билан қонуний ажрашганимга икки йил бўлди. Иккита фарзандим бўлгани боис, уй-жойни унга қолдирганман. Ёшим 34да. 25-30 ёшлар атрофидаги ёлғиз аёл бўлса уйланмоқчиман. Агар 1-2та боласи бўлса ҳам майли. Уларга оталик меҳримни бериб тарбия қиламан. Топиш-тутишим ёмон эмас. Шундай аёл бўлса, овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**Исмоил,**
**Тошкент шаҳри**

---

26 ёшли синглим бор, оилада 4 ўғил, 3 қизмиз. Ўша синглимдан бошқа ҳаммамиз оилали, бола-чақалимиз. Лекин нимагадир шу синглимнинг бахти очилмаяпти. Балким бахти бошқа вилоятдадир? Шу сабаб мактуб йўллаяпман.

Отам шу қизи тақдирини ўйлай-ўйлай 70 ёшида қазо қилди. Онам ҳаёт. Синглимга келсак, унинг табиати оғир, кам гап, бўйи 170 см. Сочлари ҳам жуда узун, ҳавас қилса арзийдиган. Шу пайтгача бирор йигит билан гаплашмаган. Ғурурли бўлгани учунми, йигитлар севги изҳор этиша олмаган. Унинг бахти очилишини хоҳлайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Азиза,**
**Жиззах вилояти**

---

Ёшим 63да. Рафиқам оламдан ўтганига бир йил бўлди. Ўғлим билан бир ҳовлида турсак-да, уйларимиз алоҳида-алоҳида. Келиним вақтида иссиқ-совуғимдан хабар олиб туради. Лекин ҳайҳотдек уй елкамдан босиб туради. Шу боис мўмин-муслима бир аёл бўлса, дегандим. Менга унинг ҳеч нарсаси керак эмас. Иш келинимдан ортмайди. Фақат дилдош, сирдошга муҳтожлигимдан шундай қарорга келдим. Ўғлим ҳам шу фикрда.

**Манзилим таҳририятда.**

**Қаюм,**
**Бекобод шаҳри**

---

Бир дугонам бор. 15 йил бурун эри оламдан ўтган эди. Ёлғиз ўғли билан шунча йил беваликнинг оғир тошини елкасида кўтариб юрди. Ҳозир ўғли ўқишда. Ўғли ҳам: "Она, шунча йил азоб чекканингиз етади. Ўқишда юрганимда, онам қандай ўтирибди экан, деб ўйлайман. Бирор иймон-эътиқодли инсон бўлса, турмуш қурсангиз. Шунда менинг ҳам кўнглим хотиржам бўларди", - деб айтаркан.

Дугонамнинг ёши 44 да. Ўзининг уй-жойи бор. Унинг бахти очилишини жуда-жуда хоҳлайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Матлуба,**
**Тошкент вилояти**

---

Ҳаёт жуда мураккаб, синовларга тўла сўқмоққа ўхшар экан. Мен ҳам ҳаёт йўлида ўзимга садоқатли умр йўлдошим бўлса, дейман.

Ёшим 44да. Доимий иш билан таъминланганман. Агар шу қадрли газетам туфайли ўз бахтимни, излаган инсонимни топсам, бир умрга миннатдор бўлар эдим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фотима,**
**Тошкент шаҳри**

---

Ёшинг бир жойга бориб қолганда ёстиқдошингдан ажралиш қийин бўларкан. 76га кирдим. Ўғил-қизларим набираларим атрофимда парвона бўлишади. Эрта бир кун оёқдан қолсам, ҳолим не кечаркин? Тани маҳрамлик ўшандай кезларда асқотади. Бирор бир муштипар аёл бўлса, қолган умримни хотиржам ўтказган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Олимжон,**
**Тошкент шаҳри**

---




Мен 1974 йилда туғилганман. Мактабни битириб ўқишга ва ишга кириш зарурати бўлмаганлиги учун уй бекасиман. Чунки кўзим туфайли ногиронман, лекин ожизамасман. Ўзимга мос бўлган инсон билан турмуш қуриб, ҳаётда бахтли аёл ва меҳрибон она бўлишни хоҳлайман. Шахсий уй-жойига эга, меҳнатга лаёқатли 30-38 ёшли, ёлғиз эркак билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**М,**
**Чилонзор тумани**

---

Ёшим 40да. Бундан 7 йил олдин турмуш ўртоғим оғир касалликка чалиниб оламдан ўтди.

2 нафар фарзандим бор. Аёл киши бева бўлдими, минг ҳалол юриб-турганн билан одамлар барибир орқасидан гапирар экан. Мен ҳам аёлман. Одамлар орасида ўз ўрним бор. Лекин бу фоний дунёда ёлғиз ўтиб кетишдан қўрқаман. Тўғри, ўғлим, қизим ва жигарларим бор. Лекин уларнинг ўрни бошқа. Мен ҳам бошқалардек тенгимни топсам, у инсон билан умрим охиригача тинчтотувликда, роҳат-фароғатда яшасам дейман. Лекин худодан минг бир сўрама, ўзинг ҳаракат қилмасанг бўлмас экан.

40-45 ёшлардаги, уйим-жойим дейдиган, ҳаёт аччиқчучугини кўрган, фарзандларимга оталик меҳрини бера оладиган инсон билан танишмоқчиман. Хоҳласалар, уйларига опкетсинлар, иложи бўлмаса бизнинг хонадонга келсинлар. Фарзандларим ҳам шуни хоҳлашаяпти.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ойгул,**
**Чирчиқ шаҳри**

---

Асли Амударё туманиданман. 1984 йилдан бери Тошкентда яшайман. Хотинимнинг хиёнати сабабли оилам бузилиб, 5 йилдирки, ёлғизман. Ёшим 44 да, ичмайман, чекмайман, табиатан кўнгилчанман. Ёлғонни ёқтирмайман. Тўғри сўзли, ибо-ҳаёли, имони бут аёл бўлса (фарзанди бўлса ҳам майли) мустаҳкам оила қуриш ниятидаман. Мен билан танишишни истаган аёл ёки қиз хоразмлик ёки қорақалпоғистонлик бўлса, яхши бўларди. Миллатининг аҳамияти йўқ.

**Й. ИБРАГИМОВ,**
**Тошкент шаҳар,**
**Чилонзор тумани,**
**ин:700208**
**Талаб қилиб олгунча**

---

"Ўта масъулиятли ва савобли ишга қўл уриб, одамларнинг "оила" қуришига ёрдам бераётганларингдан биз жуда-жуда хурсандмиз. Бизнинг бир дугонамиз бор. Маълумоти олий, ёши 31 да, қадди-қомати келишган, худо ҳусндан ҳам қисмаган. Бўйи 165 см. Замонавий аёл, лекин шунга қарамай ўта тортинчоқ, камсуқум, камтар, уятчан бўлганлиги учун бирор эркак билан танишишни ўзига эп кўрмаяпти. Шунинг учун биз дугоналар газетага ёзишга қарор қилдик.

Турмуш қуриб ажрашган, фарзандларини ота-онаси ўз қарамоғига олган. Оиласи ўқимишли, зиёли оилалардан.

Водийлик ёки тошкентлик, ўқимишли, уйли-жойли, оилам дейдиган 35-45ёшлардаги иши тайин инсон билан дугонамиз бахтли ҳаёт кечиришини хоҳлаймиз.

**Манзилим таҳририятда.**

**Н,**
**Фарғона шаҳри**

---

Не-не орзу-ҳаваслар билан турмуш қургандим, афсуски "оила"даги энг ёмон иллат ҳисобланган-"хиёнат"ни кечира олмадим. Ҳатто фарзандим учун ҳам, ўзимни ўзим мажбур қилсам ҳам кечира олмадим.

Турмушнинг бу зарбаси мени ҳаётдан совутди. Бошқа турмуш қуриш эса, хаёлимда йўқ эди.

Вақт ўтиб, кўп йиллик намунали ҳаёт кечириб келаётган инсонларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, "Оила ва жамият" газетасидаги мақолаларни ўқиб, хулоса чиқара бошладим. Келажакда ўзимга мос инсон билан турмуш қуришим кераклигини тушундим. Ёшим 35да. Бўйим ўрта, нозик, ихчам аёлман.

Битта ўғлим бор. Мен учун фарзанд у қандай инсоннинг фарзанди бўлишидан қатъий назар, унда гуноҳ йўқ, деб ҳисоблайман. Уни қандай инсон қилиб вояга етказиш ота-онанинг меҳрига, парваришига, тарбиясига боғлиқ эканлиги ҳаммамизга маълум.

Қолаверса, фарзандим ҳозир 6 ёшда. У ҳам яхши инсон тарбиясини олиб, ота меҳрига тўйиб вояга етишини истайман. Келажакда ҳамма ҳавас қиладиган инсофли, ақлли, идрокли, ҳақиқий ўғил бола бўлиб, катта бўлишини хоҳлайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зулайҳо,**
**Тошкент шаҳри**

---

Ёшим 27 да. Мен биринчи турмушимдан рўшнолик кўрмадим, ёш умрим маъносиз ўтиб борар, ҳаётдан совиб кетган эдим. Менга яқинларимнинг насиҳатлари кор қилмасди. "Дунёда ҳамма эркаклар шундай, бошида бахтли бўлмадим, энди ҳам бахтли бўлмайман", - деб ўйлардим. Ажрашганимга 4 йил бўлди. Обрўли хонадонда тарбия олганман. Ота-онам меҳнатсевар қилиб тарбиялашди. Ёлғиз яшаш инсонга ҳар қадамда панд беришини тушуниб етгандекман. Лекин эркакларнинг кўпчилиги мен орзу қилган инсон эмаслигидан хафа бўлиб кетаман.

Мен ҳаётда бахтимни синаб кўришга аҳд қилдим. Гарчанд уят бўлса-да, минг истиҳола билан ушбу мактубни ёздим. Ҳаётга нисбатан масъулиятни яхши сезиш каби фазилатлари юрагимни забт этди. Шу пайтгача ўзимни покиза тутдим ва шу фазилатим туфайли ишхонам, қўни-қўшнилар орасида ўз ўрним бор.

**Манзилим таҳририятда.**

**Манзура,**
**Гулистон шаҳри**

---

Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирида тарбиячи бўлиб ишлайдиган синглим бор. Маълумоти олий, оқила, камтарин, пазанда, меҳнатсевар, ширинсўз, қадди-қомати келишган аёл.

Ёши 32да, бўйи 168 см. Орзу-ҳавас билан узатган эдик, лекин турмуши узоққа чўзилмади. Турмуш ўртоғи гиёҳвандликка йўлиққан экан, натижада 2 ойлик ҳомиласи нобуд бўлди. Шундан сўнг, улар қонуний ажрашишди. Синглим ҳозирги кунда ота-онам билан яшайди. Тошкентлик 34-42 ёшгача бўлган ҳалол, иймонли, касби бор, ишлайдиган, уй-жойли, қонуний ажрашган инсон бўлса, синглим бахтини топса, деган ниятдаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Л.**

---

Ёшим 65 да. Хотиним оламдан ўтганига анча йил бўлди. Бу орада уйланиб ҳам кўрдим. Лекин унинг фаҳм-фаросати, диди менга тўғри келмади. Ўғлим билан бир ҳовлида тураман. Алоҳида уйим бор. 55-60 ёшлар атрофида бўлган аёл бўлса уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Азизбек,**
**Тошкент шаҳри**

---

Ўн йилдирки, бу газетани қўлдан қўймай ўқийман. Ундаги мақолалар, хатларни ўқиб, ўзим, келажагим ҳақида кўп ўйлаб қоламан. Ўзига бахт излаётган юртдошларимнинг истакларини ўқиб, мен ҳам хат ёзсаммикан, деб ўйлайман. Истиҳола қила-қила ушбу хатни йўллашга қарор қилдим. Зора, газета орқали оила қуриб, бахтли бўлиб кетсам...

Ёшим 37 да. Маълумотим олий. Олий ўқув юртларининг бирида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим билан қонуний ажрашганман. Узоқ вақтдан буён ёлғиз яшайман. Фарзандим йўқ. Ҳаётдаги асосий орзуим-мени тўғри тушунадиган ва илмимни қадрлайдиган эркак билан севиб-севилиб турмуш қуриш ва фарзандлик бўлиш.

**Ю.Т.**
**Тошкент-700012**
**СА серияли 1170267**
**рақамли паспорт эгасига**
**Талаб қилиб олгунча**

---

Ўтган йили рафиқам оламдан ўтди. Уч болам билан бўзлаб қолавердим. Бир қизимни турмушга берганман. Яқин орада иккинчисини ҳам узатаман. Кейин ўғлим иккаламиз қандай рўзғор тебратамиз, деб бошим қотиб қолган. Аёлсиз уй - уй бўлармиди?! Шу боис уйланишга қарор қилдим. Ёшим 48 да. Темир йўл ходимиман. Топиш-тутишим бир рўзғорни тебратишга етиб - ортади. Фарзандсиз ёки битта боласи бор аёл билан тақдир риштасини боғласам дегандим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Равшан,**
**Бекобод шаҳри.**

---

**Таҳририятдан: Азиз мухлислар!**

***Танишиш учун бизга йўллаган хатингизда паспорт нусхасини ҳам юборишингиз лозим. Биз танишиш истагидаги шахслар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишимиз керак!***

***Таҳририятимиз сизларни юзлаштириб қўйиши мумкин. Лекин сизнинг келажакдаги ҳаётингизни назорат қилишни ўз зиммасига олмайди. Танлаган жуфтингизни сўраб-суриштиришда ўта зийрак бўлишингиз керак. Телефон орқали ҳеч қандай маълумотлар берилмайди. Паспорт нусхасисиз юборилган хатлар чоп этилмайди.***

**Саҳифани Т. НОРИМОВ тайёрлади**

Дил изҳори

# Қалбимга қулоқ солмагандим...

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Шу пайтдаги аҳволимни тасвирлаб беролмайман. Не-не умидлар, орзулар қанотида бу хонадонга қадам қўйган эдим, ҳаммаси сароб экан, афсус, минг афсус, шу оталикка номуносиб кимсадан туғилдингми-а, болагинам. Бу ерда энди ортиқ қололмаймиз!

Онамникига кетиб қолганимга икки ярим ойлар бўлганда қайнонам билан ўғли кириб боришди. Қайнонам лабига лаби тегмай ўзларининг бутунлай ўзгаришганини, ўзгаришларига сабаб мен билан қайнонамни кимдир иссиқ-совуқ қилган экан, шуни ечириб келишганини, ўғли ҳам ҳаммасини тушунганини, бизларни жуда соғинганини гапирарди. Мен "нима қилай?" дегандек, онамга қарадим. "Бола отасиз ўсмасин, майли, бора қол", - дедилар онам.

Бўлиб ўтганларни унутиб яна бирга яшай бошладик. Бир куни қайнонам ичиб олган пайтида мен кетганимдан кейин бўлган воқеаларни гапириб қолди. Мени энди қайтиб келмаса керак деб қайнонам хурсанд бўлганча, кўпдан бери ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришибди. Вилоятда яшайдиган синглисининг қизига ўғли билан совчи бўлиб борибди. Қизнинг отаси уларни яхши билгани учун рад қилибди.

"Ўғлингиз уйланган, ҳатто боласи бор экан, бўйдоқ бўлганидаям бермасдим", деганмиш. Бу гапдан жаҳли чиққан қайнонам қиз билан келишиб, ҳатто онасига ҳам билдирмасдан ўғирлаб келишибди. Ўн саккиз яшар, ҳали еттинчи осмонда учиб юрган қизнинг кўзига "бўлғуси куёв" яхши, чиройли кўринганми, рози бўлибди ва "ўз ихтиёрим билан келдим, мен холамни ўғли ...ни севиб қолдим, унга турмушга чиқишга розиман", деган мазмунда тилхат ҳам ёзиб берибди. Қизини йўқолиб қолганидан қўрқиб кетган ва қидиришга тушган отаси шу ердан топибди. Қайнонам ёлғонларни қалаштириб ялтоғланганига қарамай, «қизини ўғирлашгани ва зўрлагани учун» эримни судга бермоқчи бўлибди, аммо тилхатни ўқиб, тутақиб кетибди.

- Агар қизимнинг акаси гўридан тирилиб келиб, шу йигитга беринг, деса ҳам бермайман сенларга, пешонасидан кўради энди, - деб қизини уриб-сўкиб олиб кетибди. Қайнонам «мастлик-ростлик» дегандай гапирар, мен бўлсам ҳатто қариндошига ҳам шунчалик жабр қилишганига ҳангу-манг эдим. Қайнонам ўйлаган нияти амалга ошмай қолгандан сўнг яна мени олиб келишга борган, чунки уй ишларини ким қилади, хизматкор сақлашга имкон йўқ бўлса. Ўғли онаси қаёққа судраса кетаверадими, нотўғри бўлса ҳам гапига кираверадими, дерсиз. Эрим ўз бошини сираям ишлатмас, фақат онаси бошқарувида юрарди. Нима қилай болам бор, бир кун келиб бу ота ҳам инсофга кириб қолар, дея ҳеч нарса кўрмагандай юравердим. Мен уйга кетиб қолган вақтимда сабабсиз ишга келмагани учун эримни ишдан бўшатишган экан, у ҳам уйда эрталабдан-кечгача ёнбошлаб олиб телевизор кўрар ёки хурракни варанглатиб ухларди. Яхши томон тугул ёмон томонга шунақаям ўзгаришибдики, ҳар икки гапнинг бирида она-бола кетиб қолганимни юзимга солишар, онангни хизматини қилдингми роса, кунинг ўтмаганидан бизни олдимизга тушиб югуриб келдингми, дея жиғимга тегишарди. Бир куни эримдан: "Мақсадингиз нима ўзи, нимага ҳар доим мени хафа қиладиган гап-сўзларни қиласиз?» - дедим. У: "Одатим шунақарок бировга гапим таъсир қилиб жаҳлини чиқаролсам, мазза қиламан",- дейди. Ана сизга не ниятлар билан бир ёстиққа бош қўйган инсоннингизни гапи. Одам ҳам шунчалар тубанлашадими?! Оллоҳим не гуноҳим учун мени шу золимларга рўбару



қилдийкин, нима бўлганда ҳам ўзинг сабр бергин, деб ўзимга таскин бераман.

Кунлар ўтаверди, яна ўша ичкилик, ўша жанжаллар, пул машмашаси... кунларим мазмунсиз, ҳаётим нотинч эди, мадорсизланиб бораётгандай эдим, фақат болажоним кулганида руҳимга шодлик инарди.

Уйда моддий аҳвол қийинлаша борди, эрим ишлашни хоҳламас, қайнотамнинг ойлик маоши ҳеч нарса бўлмасди. Шунда мен болани боғчага бериб ишга чиқмоқчи бўлдим, лекин ёши етмайди, деб боғчага олишмади. Шунда қайнонамнинг тили-жағи яна ечилди:

- Битта эди моянам, учта бўлди дастмоям, энди хотининг билан боласиниям боқаманми? Хотининг ишга чиқолмаса, тур ўзинг иш топ, текинхўр?

- Нима, мен уйланаман, дедимми сизга? Ўзингиз уйлантирган бўлсангиз, энди ўзингиз боқасиз...

Улар учун гўё ортиқча боқиманда бўлиб қолган эдим. Ҳомиладорлик пайтимда жуда руҳий сиқилиш бўлгани учун қизим инжиқроқ эди. Ишларим кўпайиб кетган пайтларда аксига олиб инжиқлик қиларди, унга бирон киши қараб, ўйнатиб турмаса бўлмасди. Эрим, кийимларимга сийиб қўяди, деб қўлига олмасди. Қайнонам бўлса: "Бола катта қилиб бўлганман, ҳам уй ишларини, ҳам болани эплайсан", - деб кўчага чиқиб кетарди. Фақат қайнотамгина мени тушуниб: "Болани беринг, мен қараб турай", - деб ишдан келган пайтларида қарашардилар. Бобоси неварасини ўйнатиб ўтирганини кўрган қайнонам: "Келинингизга хушомад қип қолибсизми, тинчликми, чатоқлигини билувдим-а, бизга кучи етмай, сизни чизган чизиғига юрдирмоқчи шекилли. Аҳмоқ бўлманг, қариган чоғингизда "бола боғча" бўлишингиз қолувди", - деб гап билан ўйиб оларди. Бир куни қайнотам ишдан қайтаётиб, ширинлик олиб келдилар ва менга тутқазиб: "Болангизга беринг", - дедилар. Қўл узатганимни биламан, қайнонам бирдан чанг солиб, олиб қўйди ва: "Унинг боласининг қорни бор, меники йўқми? Ма кампир, демасдан, бунга тутасиз?" - дея ея бошлади. Шундан кейин қайнонам овқат вақтида бизни кузатадиган одат чиқарди. Ўғлига ҳам, менга ҳам қараб: "Озроқ есаларинг-чи текинхўрлар. Ўзи топмайди, биров топганини лаққа ютишни билади", - деб бақирарди. Мен ўзимга озгина овқат сузардим. Баъзида жанжал зўрайиб кетиб, менинг олдимдаги косани қайнонам тортиб олиб: "Эрталабга овқат қолмабди-ю, буни эрталаб иситиб ейман, ўзларинг пул топганда, тўйиб-тўйиб ейсанлар", - дерди. Менинг-ку иштаҳам бўлмасди, фақат эмизикли бола қорни тўймаганидан кечаси йиғлаб чиқарди.

Эй, яратган эгам, шулар ҳам одам қавмиданми?! Бу уйда қачон тинч-осуда кунлар бўларкин-а?! - деб ўйлардим. Бир куни қайнотам ишга, қайнонам овсинимникига кетишган эди. Бир маҳал уйимизга қайноғам кириб келди. Мен эримга: "Чиқиб майда-чуйда олиб келинг. Овқат қилишга, ҳатто чой ичишга ҳеч вақо қолмабди", - десам. "Мени аҳмоқ қиляпсанми, пулим бўлмаса қаердан бозор қиламан?" - деди. Мен ҳовли супургани чиқиб кетдим, иккалови уйда нималар биландир овора эди. Ҳовлидаги ишларни тугатиб, қайтиб кирсам, ака-ука ошхонада ичиб ўтиришарди. Столдаароқ, колбаса, сигаретлар турарди. "Вой, тавба, ҳозир пулимиз йўқ, дегандингиз-ку", - десам, "Қўшнидан қарз олдик", - дейишди. Қайноғам ҳам ҳеч қаерда ишламас, уни хотини боқарди. Ўғлини ўзи қарашга вақти бўлмаганидан эрига ишонмай бизникига қўйган эди, шу ердан мактабга борарди.

Кечқурун келган қайнонам ичкарига кириб, уйни бошига кўтариб қичқира кетди.

- Вой дод, бу текинхўрлар дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, уйдаги шунча нарсани ўғирлаб чиқиб сотиб юборганларинг камлик қилдими, энди навбат отагинамдан қолган чинни буюмларга келдими, қандай болаларни туққанман ўзи, булар "ҳа" демаса ичиш учун хотинлариниям сотиб юборишади...

Болахонадор сўкиш, қарғишлар навбати менга келди: "Ҳаммасига сен сабабчи, буларни ўғирлаётганини билган бўлсанг ҳам, жанжал бўлсин деб, атайлаб индамагансан, кўз-қулоқ бўлиб турсанг бўлмайдими?

- Кўз-қулоқ бўлиб, булар ёш боламиди, нега жанжал бўлсин, дерканман, ўзим безиб кетган бўлсам ахир...

Одамзотнинг сабр косаси вақти келиб тўлар экан, бу ерда ортиқ қололмаслигимни ва бу виждонсиз, иймонсиз, ўз маишати учун ҳар нарсадан кечиб юборишга ҳам тайёр-тубан эр билан ҳеч қачон бахтли бўлолмаслигимни тушуниб етдим охири. Агар кетмасам, болам қанақа тарбия олади? Ўзим бўлсам бу кетишда бирон жиддий касаллик орттириб оламан, майли, иложим йўқ болагинам, пешонангдан кўрасан, бундай отали бўлганингдан, отасиз бўлиб, ўз обрўйинг билан катта бўлганинг яхши!!!

Аччиқ қисматимдан ўкиниб, минг афсуслар билан кўзимдан оқаётган ёшларни тиёлмай бу уйни бир умрга тарк этдим. Ажралиш ҳақида суд қарори чиққанида эрим хафа эмас, аксинча қувонгандай эди. Чунки унинг елкасини босиб турган, оёғини боғлаб турган, масъулиятни талаб этадиган оила юкидан, хотин, бола-чақа ташвишидан қутулган эди.

Мен бошимдан ўтказган бу кунларни ёзишимдан мақсад, қайнонамни ёки эримни кирдикорларини ёйиб, уларни ёмонлаш эмас, балки ҳаммасига ўзим сабабчи эканлигимни тан олишдир. Чунки ҳаммани ўзимиз каби ростгўй деб ўйлаб, на мен, на онам, на қариндошларим улар ҳақида суриштирибмиз. Уларни ёлғон-яшиқ гапларига, қоп-қоп ваъдаларига ишонибмиз. Қайнонамни, эримни ҳеч кимга қўшилмаслигини, мабодо мен бирон бир қўшни аёл билан гаплашиб қолсам, қайнонам дарҳол чақириб олиб, "мени ғийбатимни қиляпсанми ё эрингни ёмонлаяпсанми?" - деб уришишининг сабабини кейин билдим. Уларни ҳеч ким - қўни-қўшнилар ва на қариндош-уруғлари ёқтираркан. Энди минг пушаймон қилган билан фойдаси йўқ - вақтни, умрни орқага қайтариб бўлмайди. У уйда бир кун рўшнолик кўрмадим, аммо фарзандли бўлдим, шунисигаям шукр.

Қизим ҳозир кап-катта бўлиб қолди, ҳадемай, насиб қилса, тўрт ёшга киради. Онамни, меҳрибон бувижонисини жуда яхши кўради - ақлли, тиллари бийрон. Фақат бир нарса алам қилади. Эрimникидан чиқиб кетаётганимда: "Наҳотки ўз болангизга ҳам раҳмингиз келмайди, уни уволи тутишидан қўрқмайсизми?" - десам, "Болалар ота-онасига нима қиляпти... мен нима қилдиму, менинг болам менга нима қиларди", - деди. Ҳаммани ўз қаричида ўлчарди у.

Умидли дунё экан, инсон зоти умидлар билан яшайди. Бир кун келиб мен ҳам чин **БАХТИМ**ни, чинакам **ИНСОН**ни учратиб, бир хонадоннинг суюкли бекаси бўлишимга **ИШОНАМАН!!!**

**(Тамом)**

**З. Қ**

**Тошкент шаҳри**

# ИРИМЛАР ҲАҚИДА

**Ҳаётда ҳамма ўзининг тутуми билан яшайди. Бировлар иримларга ишонади ва ҳамиша уларга амал қилади. Бошқа бировларни иримлар билан умуман ишлари бўлмайди. Иримларга хурофот деб қаровчилар ҳам бор. Уларнинг ҳеч бирига эътироз билдирмаймиз. Балки иримлар билан боғлиқ ҳаётий воқеаларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.**

## ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАР

## АММАНИ СУПУРГИ САВАЛАДИ



Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳаси жуда баҳаво жой. Идрисойнинг бу ерга келин бўлиб тушганига икки йилдан ошди. Янги жойда фарзанд кўришди. Аммо чақалоқнинг умри қисқа экан. Йигирма етти кунгина яшади холос.

Идрисой иримларга ишониб-ишонмайди. Аммо бувисининг ўргатганларига риоя қилади. Уйларни супириб-сидириб бўлгач, супургини икки марта остонага енгилгина уриб, "фалокат келса, дап қил"- дея, ирим қилиб қўяди.

Кунларнинг бирида Идрисой уйда ёлғиз эди. Уни йўқлаб, аммаси (эрининг аммаси) келиб қолди. Идрисой жуда хурсанд бўлиб кетди. Аммасини айвондаги баҳаво жойга ўтқазиб, дарҳол чой қўйгани ошхонага йўл олди. Амма шундан фойдаланиб, дарҳол барқут камзулини чўнтагидан латтага ўралган исқирт нарсаларни олди. Улар илми-амал қилинган чигал иплар, кир латта ва сочлар эди.

Амма уларни бармоғининг учи билан ёстиқнинг ичига суқмоққа шайланганида, нимадир учиб келиб, унинг муждасига урилди.. Кўрқиб кетган амма кутилмаган зарбадан "дод!" деб юборди.

Идрисой шошиб айвонга қайтди. Амманинг юзи бўздай оқариб кетган, нарироқда ётган супургига қўрқиб-иккиланиб қараб турарди.

- Ҳа, амма, нима бўлди?

-Анави супургининг жони борми? - орқароққа тисарилди амма. - Сапчиб келиб, муждамга тегди.

- Йўғ-е, супургиям сапчийдими? Эшикнинг орқасида эди-ку?

Идрисой узр сўраб, супургини жойига олиб бориб қўйгач, яна ўчоқ бошига йўл олди. Амма қўрқиб-иккиланиброқ яна шум ниятини амалга оширмоқчи бўлди. Кафтига яшириб олган исқирт нарсаларни болишга суқиб киргизмоқчи бўлганида, супурги сапчиб келиб, унинг пешонасига урилди. Амма яна "дод" деб юборди.

Идрисой қўлида сочиқ ва дастурхон билан айвонга югуриб кирди. Амманинг қути ўчган, супурги тўшак устида ётарди. Идрисой ҳеч нарсага тушунмай, супургини қўлига олиб, унга дўқ қилган бўлди.

- Ҳе, фалокат! Нима бўлди, сенга? Нега меҳмонга сапчийсан?

Шундай дея у супургини жойига олиб бориб қўйди. Аммасидан узр сўраб, уни ширинликлар билан сийлади. Унинг меҳрибонлиги афтидан аммасини фикридан қайтарган эди. У камзулининг чўнтагига яшириб олган исқирт нарсаларни олиб, Идрисойдан узр сўради.

- Мени кечиринг, келин! Сизнинг олдингизга ёмон ният билан келгандим. Сизни жиянимдан ажратиб юбориш учун илми-амал қилиб келгандим. Супургингиз буларни жойлашга қўймади...

Қаранг, нияти пок одам ирим қилса, баъзида уни супургиси ҳам ҳимоя қиларкан.

## НОВВОСНИ САҚЛАГАН ТУМОР



Избосканлик Турдихон буви чевараси Бобурбекнинг хатна тўйига атаб новвос боқаётганди. Нима қилсин, ўғлидан қолган биттагина невараси Ёқутойни унинг ўзи тарбиялаб, куёвга узатди. Энди эса Ёқутойнинг "дадам тирик бўлганида, тўйимизга новвос етаклаб келарди" деб, ўксмаслиги учун бир амаллаб новвосни боқиб семиртираётганди.

Аммо Турдихон бувининг бир нарсадан гумони бор эди. Ўлиб-нетиб қолсам, новвосни менинг маъракамга ишлатиб юборишмасин, мен атаб қўйган нарса тўйга насиб қилсин, дея ирим қилиб, новвоснинг шохига бодомдек келадиган учбурчак тумор илиб қўйганди. Новвоснинг юнгги ўсиб, тумор тўсилиб қолганди.

Худди ўчакишгандай, тўйга уч-тўрт кун қолганида, новвосни ўғирлаб кетишди. Югур-югур бошланди. Хафа бўлганидан Турдихон буви иситмалаб ётиб қолди. Хайриятки, кечки пайт новвоснинг топилгани ҳақида хушхабар келиб қолди. Маълум бўлишича, новвос бозорда сотилиб, тўрт марта қўлдан-қўлга ўтибди. Охирида уни қассоб сотиб олган экан.

Қассоб новвосни уйга етаклаб бориб, оёқларини бойлаб йиқитибди. Сўнг унинг бўйнига пичоқ тортишдан олдин, пиёладаги яхна чойни симириб олмоқчи бўлибди. У чойни симираётганда, новвоснинг изидан тушишган милиционерлар дарвозадан кириб боришди. Уни қаранг-ки, агар қассоб чойни симириб олишга улгурмаганда, новвос сўйилиб кетар экан.

Ҳар қалай новвос Бобурбекнинг тўйига насиб этди. Уни, ирим қилиб, шохига илиб қўйилган тумор сақлаб қолибди. Қўйинг-ки, гўдакнинг амри-маҳрига ирим қилинган нарса, ҳар қачон Тангрининг ҳимоятида бўларкан.

## ИРИМИНГ ЎЗИНГГА ҚАЙТСИН



Санобархон Хидиробод қишлоғида яшайди. У олий маълумотли. Иримлар билан умуман қизиқмайди. Бир гал шундай бўлди-ки, унинг эри сигирни икки бор бозорга олиб чиқиб, сота олмай қайтариб келди. Сигирни учинчи бор бозорга олиб боришга шайланиб туришганда, Санобархоннинг аяси келиб қолди. Чунки у сигирни сотиша олмаётганини аясига айтган эди. У дарвозадан кира солиб, куёвини тўхтатди.

- Тўхтанг ўғлим, жиндай ирим қилиб қўяйлик. - Сўнг Санобарга юзланди. - Қўшнингни деворига яқин бориб, уч марта "Ириминг ўзингга қайтсин!"- деб айт.

Санобархон хушлабхушламай, аяси айтгандай қилди. Бувиси эса сигирни дарвозадан олиб чиқишгач, ўнг томонга бурилиб, ўн қадамча етаклаб, сўнг орқасига қайтиб кетишларини тайинлади. Куёви худди ана шундай йўл тутди. Ўша куни сигирни кўнгилдагидан зиёдроқ нархга сотиб қайтишди. Ана шундан кейин Санобархоннинг аяси шундай деди:

- Қўшнинг ёмон ниятда ирим қилган экан. Сизлардан сигирни арзонга олиб, қимматга сотишни ўйлаган. Сенинг гапингдан кейин, ирими ўзига қайтди.

## ДЎЛДА ҚОЛГАН ҚОВУН



Исроилжон билан Набижон чўлга битта қишлоқдан келишган. Бир-бирларини қўллашиб, суяшиб яшайди. Улар битта бригадада ишлаб, ёнма-ён пайкалда деҳқончилик қилишган. Иккиси ҳам қирқма қовуннинг уруғидан экишди.

Қовунларнинг олдига тўр кирганида, Набижоннинг аяси қўшнисининг машинасини ёллаб, атайлаб ўғлининг ишларини кўргани келиб қолди. Пайкал оралаб, ўзини худди хазина ичига кириб қолгандек ҳис қила бошлади. Шу жойга ўтириб, ўғлини узоқ дуо қилди. Сўнг шундай деди:

- Энди исириқ солиб юборай. Ишларингга кўз тегмасин, ўғлим.

- Пайкалга исириқ солсангиз, қалай бўларкин, ая, - жилмайди Набижон. - Кўрганлар ҳайрон бўлишмасин, тағин.

- Нега ҳайрон бўлишади. Сўраганларга, аям ирим қилиб, атайлаб исириқ олиб келган экан, деб қўя қоласан.

Оловкуракда исириқни тутатишиб, Набижоннинг аяси ҳамма пуштани бирма-бир айланиб чиқди. Кейин заканнинг нариги томонидаги Исроилжонга деди:

- Ма, ўғлим! Сен ҳам қовунларингга исириқни тутатиб чиқ.

- Раҳмат хола! - жавоб қилди Исроилжон. - Исириқни закандан олиб ўтишни айтинг. Кўрганлар, жуда иримчи экан, дейишмасин.

Набижоннинг аяси дуо қила-қила қишлоққа қайтиб кетди. Ўша куни кечаси қаттиқ чақмоқ чақиб, шунақаям дўл ёғди-ки, Исроилжон билан Набижон, қовунлардан батамом айрилдик, деб кечаси билан қайғуриб чиқишди. Эрталаб биргаликда пайкал бошига келишди. Исроилжоннинг қовун пайкалини дўл дабдала қилиб юборганди. Набижоннинг пайкалига эса битта ҳам дўл тушмай, қовунларнинг барги олдингидек барқ уриб турарди.

Исроилжон ўшанда исириқни олиб, ўтиб, пайкалга тутатмагани учун ҳали-ҳали афсус чекиб юради.

**К. НИШОНОВ.**

## СЕШАНБАДА ТЎНҒИЗ ТУКИНИ ТЎКМАС



Олтинкўллик Ҳурриятхон аянинг кичик келини Ўктамхон тижоратчилик қилади. Сувни кўрмай, этик ечмайдиганлардан.

Ўша куни Ўктамхон эрини далага, болаларини мактабга жўнатиб, тижоратга чиқиш олдидан бармоғининг тирноқларини олишга тутинди. Эндигина иккита бармоғининг тирноғини олганида, қайнонаси ошхонадан мўралади:

- Ҳой, қизим! Бугун тирноқ олиб бўлмайди. Сешанбада тўнғиз ҳам тукини тўкмайди, деган гап бор.

- Билардим, буви, - жавоб қилди Ўктамхон. - Хаёлимдан кўтарилиб қолибди. Яхшиям эсимга солдингиз.

Ўктамхон қайчини жойига қўйиб, оғир сумкаларни кўтарганча ишга жўнади. Бозорга етиб бориши билан шериги Хосиятхон таклифини айтди.

- Янги товар келибди, икки юз минг сўм берсанг, сенга ҳам қўшиб олиб келаман.

- Олдин товарни кўрайлик, - жавоб қилди Ўктамхон.

- Товари менга ёқди, сенгаям ёқади. Ўзи озроқ экан. Бўл, пулни бер.

Ўктамхон шеригининг гапига ишониб, айтилган пулни қарз олиб бўлсаям тўғрилаб берди.

Аммо йўқ товарга пул олиб кетишган экан. Товарнинг келишини бир ойча кутишди. Пул ҳам қайтмади, товар ҳам.

«Эрталабда иккита бармоғимнинг тирноғини олиб қўйиб, икки юз минг сўмга тушдим, - эслади Ўктамой. - Ўшанда бувим мени тўхтатиб қолмаганида, бир миллионга тушар эканман-да».

# ҚИЙИН МАСАЛАНИНГ ОДДИЙ ЕЧИМИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

## ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ

**Ёшликни қандай сақлаб қолиш мумкин? Бу савол дунёдаги ҳамма аёлларни қизиқтиради, ҳаяжонга солади. Агар бешта қоида тузиб, уни асосан 5 та оддий усул билан амалга оширсангиз - доимо 25 ёшда кўринасиз, дейилганди ўтган сонда босилган ушбу мақола аввалида...**



### 4 Венеранинг терисига ўхшайди

Бадан териси учун тўғри қабул қилинган ваннадан яхшиси йўқ. Икки стакан чойга майдаланган шивит, маврак, мингбарг ва мойчечак солиб дамланг. Сузиб олиб ваннадаги сувга аралаштиринг-да, фойдаланинг. Сули ёрмаси қўшиб тайёрланган ванна терини ипакдек нафис қилади ва бу тароватни узоқ сақлайди.



### 5 Гўзалликни сақлаб қоламиз

Муздек сув билан ювилган терининг сержило ранги кексаликкача сақланар экан. Совуқ сув юздаги мускулларни қисқартириб, қон айланишини яхшилайди. Тери қайишқоқлигини таъминлайди. Бир стакан қайнаган сувга битта лимоннинг сувини сиқиб, музлатгичнинг кубик шаклидаги қолипчаларига қуйиб музлатинг. Шу кубикчалар билан юзингизни артинг. Сув ўрнида ўтлар(шивит) қайнатмасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

## ДИД БИЛАН КИЙИНИНГ

### 1 Кийимлардаги уйғунлик

Дид билан танланган либосларгина ҳамма вақт янги кўриниб, ярашиб туради. Кийим танлаганда унга мос келадиган, тўлдирадиган ҳар бир майда-чуйдасигача эътибор бериш керак. Агар сизда бундай имконият бўлмаса, уларни аста-секин йиғишга ҳаракат қилинг. Ўзингизга либос сотиб олаётганингизда, гардеробингизда у билан кийса бўладиган нарсангиз борлигини ҳам ҳисобга олинг.

### 2 Тақинчоқлар камроқ бўлсин

Тақинчоқлар тақишни жуда ёқтирамиз. Лекин оддийлик билан енгилтакликнинг ораси бир қадам. Унча катта бўлмаган бежирим зирагу узуклардан тортиб, катта ва оғир тақинчоқлар тақишнинг ўз меъёри бор. Кийиниб, кўчага чиқишга тайёр бўлганингиздан сўнг, шартта, орқангизга ўгирилиб, ойнага қаранг-да, кўзингизга яққол ташланиб турган тақинчоқни ечиб ташланг.

### 3 Гарчи кўринмаса-да...

"Шамол етаклаб кетганлар" (Унесённые ветром) киносининг продюссери Девид Селзник Скарлеттнинг ички кийимларини қимматбаҳо тўрлар билан тикиш учун буюртма беради. Шунда актриса: "Ахир буларни барибир ҳеч ким кўрмайди-ку!" - дейди. Продюссер эса бунга жавобан: "Аммо, сиз уларнинг борлигини биласиз-ку!" - деб жавоб беради.

Чиндан ҳам бежирим, қимматбаҳо ички кийимлар инсон либослари пардозининг энг муҳим қисмидир. Гарчи улар кўринмаса-да, аёлда ўзига шу қадар катта ишонч уйғотарканки, ҳатто бу унинг қадам босишини ҳам ўзгартириб юбораркан .

### 4 Ранг танлашда эҳтиёт бўлинг!

Кийимлар учун тўғри ранг танлаш ҳам катта муваффақият. Масалан, ҳаммаси қизил рангда бўлган кийимлар оғирлик, мовий ва сариқ ранглар эса енгиллик бағишлайди. Оч яшил ранг безовта ранг ҳисобланади. Кўк ранг эса сизнинг "ичимдагини топ" инсонлар тоифасидан эканлигингизни билдиради. Кийимларга мос тушадиган асосий нуқта сизнинг қиёфангиз бўлиб, улар сизнинг кўринишингиз, ҳиссиётларингиз, эҳтиросларингизга боғлиқ. Ҳуснингизни қандай кийим очиб юборишини, қандай кийим сизга ярашмаслигини ўзингиз яхши биласиз. Агар ёшингиз 40 дан ўтган бўлса, туссиз, яъни, кулранг, қизғимтир рангли кийим киймаганингиз маъқул.

### 5 Гўзаллигингизни кўрсата олинг!

Ҳар бир либос, ҳатто у уй кийими бўлса ҳам кишининг қоматидаги камчилигини яшириб, яхши томонини бўрттириб туриши керак. Кўпчилик бу қоиданинг фақат ярмисигагина риоя қилади. Улар нуқсонлари билан биргаликда гўзалликларини ҳам яшириб қўя қолишади. Сиз аксинча қилишингиз мумкин. Агар ёшингиз ўтганроғу, аммо оёқларингиз чиройли ва келишган бўлса, бемалол тиззагача бўлган калта юбка кийишингиз мумкин. мабодо кўкрагингиз баландроқ бўлса, кенг тикилган кийимлардан воз кечинг-да, либосларингизни сиқиб турадиган жемпер ва кофталар билан тўлдиринг.

Қоматини мағрур тутиб юрадиганларга 25 ёшдан ортиқ беришмайди.

## ҲАММАСИ ЯХШИЛИК УЧУН

### 1 Ҳеч қачон тушкунликка тушманг

Тушкунлик - гўзалликнинг энг даҳшатли душманидир. Ғазабланиш юзингизда жозиба ва файзу тароватни йўқотиб юборади. Барча ҳиссиётларимиз чеҳрамизда акс этиши табиий. Ҳамма нарсани ўзгартириш ўз қўлингизда. Қандай вазиятга тушиб қолишингиздан қатъий назар, ҳаётдан қувониб яшашни ўрганинг. Олимларнинг айтишича кулгу асабийлик билан курашиб, турли нохуш ҳолатларга қаршилик кўрсатиш тизимини мустаҳкамларкан. Инсон умрини 8 йилга узайтирар экан.



### 2 Ҳаётингиздан кўнглингиз тўлсин...

Ёшингиз улғайиб қолганида, бор кучингиз билан берилиб ишлаш ниятида қизиқарлироқ бошқа бирон машғулот топинг. Ёшликдан қизиқиб келган орзуингизни амалга оширинг. Масалан, кашталар намунасини йиғинг. Ёки уй-рўзғордаги юмушларини кундалик мароқли ишингизга айлантириб олинг.

### 3 Ёшлар билан суҳбатлашинг

Кўнглингиз кексайиб қолишига сира йўл қўйманг. Шунда у сизга ўз гўзаллигини, жозибасини бахш этади. Агар фарзандларингиз улғайган бўлишса, уларнинг қувноқ даврасида вақтингизни хурсандчилик билан ўтказишингиз мумкин. Ёшлар ўзларининг янгидан-янги ғоялари билан сизни илҳомлантириб, жўшқин куч-қувватларидан ҳам "юқтирадилар".

### 4 Дам олишни ҳам ўрганинг

Маълум бўлишича, йоглар умрларини бағишлаган қоидаларга амал қилиш учун ўзларини шунга кўниктиришаркан. Ишлаётган аёл 24 соатдан ўзи учун бир соатини ажратиши кифоя. Бу вақтда китоб ўқиш, чўмилиш ёки ухлаш мумкин. Кўпгина чиройли аёллар гўзалликларининг бош омилларидан асосийсини тўйиб ухлаш, деб ҳисоблашади. Уйқу пайтида албатта, ойнани очиб қўйиш, шунингдек хонадаги ҳароратнинг эса **18°** дан ошмаслигига эътибор бериш керак. Ҳаддан ташқари илиқ ва қуруқ ҳаво инсонни муддатидан олдин кексайишига сабаб бўлади.

### 5 Яхшилик ҳамроҳингиз бўлсин!

Сиз эҳтимол ички қуввати чеҳрасида акс этиб турган, ақлли, раҳмдил одамларни учратган, салоҳиятидан ҳайратланган бўлсангиз керак. Гарчи сиз, менга шундай истеъдод берилмаган, деб ҳисобласангиз-да, у сизни четлаб ўтмаган. Шахсият - энг аввало шахсий интизом, деганидир. Ана шундай очилмаган қиррангизни очиш ўзингизга боғлиқ. Энг ёқимсиз ишларга ҳам ғайрат билан киришинг. Бир қарашда зерикарли кўринган кишилар билан ҳам яхши муомалада бўлиб, бошқалардан кўп нарса ўрганишга ҳаракат қилинг. Ўз иродангиз билан атрофингиздаги яхшиликни ҳис қилишга ўрганинг. Бир умр ўз шахсини биринчи ўринга қўйиб келган бир зодагон инглиз аёли: "Мен ҳар доим ўзимдаги бор яхши нарсаларимни одамларга бериб, ёмонларини ўзимда олиб қолганман", - деган экан. Буни қарангки, у 50 ёшга кирганида ҳам 35 ёш атрофида кўринар экан.

**БАСИРА тайёрлади**



# СИЗ АСАЛСИЗ, СИЗ ГЎЗАЛ...

Антик даврданоқ асални Худо томонидан юборилган бебаҳо, беназир неъмат деб билганлар. Унинг соғлиқ борасида минг бир дардга даво эканлиги жуда кўп йиллардан буён маълум. Лекин юз ва қадди-қоматни сақлаб қолишда асалнинг ноёб, табиий хусусиятлари беҳисоб эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Бўлмаса, эшитинг.

■ Минг йиллар аввал асалнинг баъзи тошма, яраларга қарши яхши восита эканлиги маълум бўлган. Тиббиёт отаси бўлган Гиппократ фикрича, асал терини ва юз қиёфасини тозалайди, тиниқлаштиради.

■ Асалдан тайёрланган ниқобчалар қуруқ, қизринқираган, носоғлом терини яхшилайди.

■ Учлари хиралашиб мўрт бўлиб қолган соч толаси асал суртилгандан сўнг бақувват ва жилвали тус олади. Бунинг учун 2 чой қошиқ ёғни асал ва сирка (1 чой қошиқдан) билан аралаштиринг-да, секинлик билан сочингизга суртинг. Ярим соатдан сўнг илиқ сувда яхшилаб ювиб ташланг.

■ Асал нафақат ўзига хос таъмли ширинлик, балки лабларни майин ва нафис қилувчи малҳамдир.

■ Терингиз юмшоқ бўлиши учун 1/2 чой қошиқда асал ва лимон шарбати аралашмасидан сурсангиз кифоя.

■ 2 ош қошиқ творог, 1 ош қошиқ илиқ асал ва 1 дона тухум сариғидан иборат аралашма эса бўйин ва елка терисини текислаб, силлиқ этади.

**Тетик ва хушкайфият бўлай десангиз...**

■ Кечга бориб оёқлар шишиб қолган бўлса, совуқ сувли ваннага солинг, сўнг тиззадан бошлаб яхшилаб чимчилаб чиқинг. Қанчалик аямай чимчиласангиз, фойдаси шунчалик яхши бўлади.

■ Кўпчилигимиз кам ҳаракат қилишга ўрганиб қолганмиз. Шунданми, бўғинларимиз бўшашиб, ўзимизни ҳорғин ҳис этамиз. Баъзида текис, адл оёқлар қийшайиброқ қолади. Шунда қўлларингизни ишга солинг. Эринмай ҳар бир оёқни 3 дақиқадан уқаласангиз, оёқлардаги ҳорғинликдан асар ҳам қолмайди.

■ Оёқлар чарчаган бўлса, қуруқ полга ўтириб олиб, кафтингизни ҳовучлаган ҳолда аввал товонларни, сўнг болдирларни уқалаб чиқинг. Бу машқни 5 дақиқа давом эттиринг.

**Жамила тайёрлади.**

# РАШКНИНГ ДАВОСИ - АТИРГУЛ

Рашк - бу қаттиқ руҳий силсиладир. Рашк туфайли қанчадан-қанча оилалар барбод бўлган. Унинг давоси борми?

Ана шу муаммо устида кузатиш олиб борган руҳшунослар қизиқ хулосага келдилар. Рашк туфайли юзага келган руҳий зўриқишни фақатгина гуллар ёрдамида пасайтирса бўларкан. Хўш, қандай қилиб?

Оқила бекалар бемалол бунинг уддасидан чиқа оладилар. Бунинг учун улар энг аввало турмуш ўртоғининг феъл-атворини яхши тушуниб олган бўлишлари керак. Шунингдек, рашк қўзғовчи ҳаракатларни қилишдан ўзларини тийишлари ҳам муҳимдир.

Донишмандлар аёл кишини - оиланинг ақл чироғи, деб бежиз айтмаганлар. Ана шу чироқ қанчалик равшан ёнса, уйдаги муҳит ҳам ана шунча соғлом ва файзли бўлади. Бироқ рашк ҳам бор нарса. Турмуш чигалликлари рангбарангки, баъзида оқила уй бекаларини ҳам довдиратиб қўйиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда турмушда аёлнинг хушёрлиги жуда-жуда зарур бўлади.

Демак умр йўлдошингиз сизни кимдандир рашк қила бошлаганини сездингизми, дарҳол ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлашга берилиб кетманг. Бу жанжалнинг кучайишига сабаб бўлади, холос. Шу ўринда руҳшунослар кузатувидан айрим далилларни келтириб ўтиш жоиз бўлиб қолди. Рашк натижасида одам қонидаги "В" витаминлари ўзининг хусусиятини кескин ўзгартириб, карахтлик ҳолатига ўтиб қоларкан. Бундай витаминлар марказий асаб тизимини тўйинтирувчи ва унинг фаолиятини бир маромда ушлаб турувчи зарур омил ҳисобланади. Бундай пайт мия қобиғининг бир томони ишлаб, иккинчи томони тормозланиб қолиши натижасида, одамнинг фикрлаш имконияти ўтмаслашиб, гап уқмас бўлиб қоларкан. Ана шундай шароитда кўп нарса уй бекасининг сезгирлиги ва зукколигига боғлиқ бўлиб қолади.

Агар турмуш ўртоғингиз оққўнгил, аммо озгина жиззакироқ бўлса, ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборишга қодир бўлади. Ундаги руҳий зўриқишни кучайтириб юбормаслик йўлини изланг. Энг аввало битта сўздан қолинг. Руҳшунослар қизиққон кишиларнинг асабини босувчи энг ишончли восита - атиргул деган хулосага келдилар. Дарҳол стол ёки хонтахта устига яшнаб турган атиргулдан келтириб қўйиш ташвишида бўлинг. Унинг гапларига ўзингизни қулоқ тутаётгандай қилиб кўрсатинг. Акс ҳолда, эрингизда шубҳа кучайиши мумкин. Зинҳор аламли хўрсинманг ва портламанг. Ундан узоқлашмаган ҳолда сокин ҳаракат қилинг ва атиргул баргидан чой дамлаб, оппоқ қилиб ювилган пиёла билан столга келтириб қўйинг. Эрингизнинг гаплари пойма-пой, асоссиз эканлигини сезиб турсангиз ҳам эътироз билдирманг. Куёвингиз чойни ичмаса ҳам ташвишланманг. Яшнаб турган атиргул ва гулчойдан таралган ифор албатта унинг асабини боса бошлайди. Чунки атиргул ифорида қондаги "В" витаминида карахт ҳолдан уйғотувчи ёки тирилтирувчи хусусият мавжуд. Гулчой асаб тизимининг фаолиятига ижобий таъсир этиб, унинг фикрини янгилайди ва миядаги тормозланиш ҳолатини очиб юборади. Эрингизнинг асаб зўриқиши босилгандан кейин ҳар қандай муаммони ўтиғи билан бартараф этса бўлаверади.



Айрим қизиққон одамлар асаб зўриқиши ҳолатида ўзларини нима қилаётганларини ҳам билмай қоладилар. Андижонлик Хайриддиннинг уйланганига икки йил бўлганди холос. У келинчакни рашк туфайли безор қилиб юборди. Кунларнинг бирида Хайриддин ишдан қайтаётиб, "хотинини" бир йигит билан "Тико" машинасига ўтириб кетганини кўриб қолади. Рашк туфайли асаби шундай жунбушга келади-ки, уйга кира солиб, канистрдаги бензинни айвонга тўкиб, уйга ўт қўйиб юборади. Хайриддиннинг ўзи ҳам аланга ичида қолади. Хайриятки, қўни-қўшнилар алангани ўчириб, Хайриддинни ҳам ёниб кетишдан сақлаб қолишди. Кейин маълум бўлдики, унинг хотини ўша пайтда қайнонаси билан дўппидўз ҳунарманднинг уйида маслаҳат олиб ўтиришган, "Тико"га ўтирган келинчак эса бутунлай бошқа аёл экан. Ҳозирда бир хил кийинишган келинчаклар озмунча дейсизми?

Бироқ ҳаммани ҳам жиззаки, деб бўлмайди. Оғир-босиқ, қатъиятли эркаклар ҳам борки, рашк хусусида ўзларини "замбарак" мисол тутишаркан. Яъни рашк туфайли қалбида уйғонган галаённи ичида сақлаб туришаркан. Аслида бундай эркаклар аёлни битта гапдан "илинтириб" олиш йўлини излаётган бўладилар. Агар "илинтириб" олсалар, замбарак мисол шундай кучли портлайдиларки, ўша лаҳзанинг ўзида ҳамма ишни узил-кесил ҳал қилиб қўя қоладилар.

Зукко аёллар эса бундай ҳолатни жуда тез пайқайдилар. Ана шундай ҳолатда эрнинг рашк ўтини алангалатмайдиган тадбирни қўллаш ўзингизда қолган. Бунинг учун икки турдаги гулнинг асқотиши тажрибада синаб кўрилган. Булар чиннигул ва карнайгулдир. Ҳар иккала гул ифорида юракни ҳаприқиб ишлаб кетишдан сақлайдиган хусусият мавжуд.

Демак, ҳамиша уйда ва ҳовлида чиннигул ва карнайгуллар ҳид таратиб турғани маъқул. Гулларнинг ҳиди асабни зўриқиб кетишидан сақлайди. Шунга қўшимча равишда ўзингиз ҳам дарҳол тутумингизни ўзгартириб, эрингиз яхши кўрадиган овқатларни тайёрлашга тутининг. Агар сиз бундай лаҳзада бепарво бўлиб, телевизор кўриб ўтираверсангиз, эрингизнинг руҳий зўриқишини баттар кўтариб юборган бўласиз. Шуни билингки, аслида рашк ҳам сизга бўлган муҳаббатнинг бир кўринишидир.

Агар эрингиз чиндан ҳам ҳовлиқмароқ - "шамол"роқ бўлса, ундайлар рашк бобида оламга жар солувчи бўладилар. Сизнинг гуноҳингиз борми-йўқми,

Синалган ҳақиқатлар

сўраб ўтирмайдилар. Ҳар қандай ҳолатда ўзларини ҳақ деб биладилар ва сизни оғиз очишга ҳам қўймайдилар. Бундай ҳолатда уйда ҳам, ҳовлида ҳам настарин ёки бинафша гулининг ифор таратиб турганi яхши. Ҳар икки гул ифори ҳис-ҳаяжон пўртанасини босиш хусусиятига эга. Ҳовлиқма кишиларга хризонтема гулининг ифори ёмон таъсир кўрсатади. Хризонтема уларнинг асабини қўзғайди.

Эрингиз сержаҳл, қаҳри қаттиқроқ бўлса-чи? Бундай ҳолатда ундайларга учта гул ёрдамида таъсир кўрсатиш тавсия қилинади. Булар асалгул, ёсуман ва атиргулдир. Атиргулнинг эса фақат маҳаллий нави бўлиши керак. Бу навнинг гуллари бироз кичикроқ, аммо ҳиди ўткир ва шифобахш бўлади. Сунъий гуллар сержаҳл одамларнинг душмани.

Гулларнинг таъсири уларнинг рангига ва одамнинг ёшига ҳам боғлиқдир. Ўттиз ёшдан ошган эркакларга оқ атиргулларнинг ҳиди самаралироқ таъсир кўрсатади. Ўттиз ёшгача бўлганларга албатта қизил атиргулнинг ифори хуш ёқади. Эрингиз жаҳлидан тушгач, шубҳасиз сизнинг ақл ва фаросатингизга қойил қолади. Эрингизни ҳар доим ана шундай қойил қолдирсангиз, сизга бўлган меҳри ва ишончи ортаверади. Ана шундагина сиз - оиланинг ақл чироғи, деган номга лойиқсиз.

**Комилжон НИШОНОВ,**
**Андижон шаҳри.**

Туш таъбирномаси

# "ЭЙ!.. БУ БОЛАНИНГ..."

-Тушни ҳар кимга айтиш, катта гуноҳлигини биламан, лекин биласизми, Сизни кўрсам, кўрган тушларимни эслайвераман-да, - дея сўз бошлайди яқинларимдан бири. - Сентябрнинг салқин шамолли тунларининг бирида туш кўрибман. Тушимда кўчиб кетаётган эмишмиз.

... Катта, кенг йўлда, кўчларимиз ортилган улкан юк машинаси устида эканмиз. Осмонда юлдузлар чарақлаб турармиш. Эҳ-ҳе, дермишман мен, бу кетишда Ғаллаоролга етиб кўямиз-ов. Кейин катта ўғлим тепаликнинг устида бир нарсани кетмон билан тортармишу, ҳеч ололмасмиш. Атрофимиздаги одамлар: "Эй-й бу боланинг тоби йўқ экан-да",- дебди. Уйғониб кетдим. Тушлар ҳам қизиқ-да, - дея хаёлландим. Бўлмаса, ҳовли қаёқда-ю, бу каталакдек "дом" қаёқда? Йиғиб-терган 200 минг сўмга ҳовли тугул, дарвозасини сотмас.

Чошгоҳларга яқин 4-қаватдан пастга тушиб, ёғ доғлаётган эдим, бир киши келиб саломлашди-да:

- Опа, уй-ҳовли олмайсизларми?- деди.
- Ҳовлини пулга беради-да, пул эса йўқ.
- Ий-йи, қизиқ экансиз-ку. Пул йўқ, деманг опа.
- Йўқ-да, ахир.
- Майли, ололмасангиз олманг, лекин йўқ, деманг. Йўқ, йўқ деганга Худонинг ҳам қаҳри келаркан...
- Ҳай, маслаҳатлашайлик-чи...

Кечқурун тағин келди.

- Ака, юринг, ўша ҳовлини бир кўринг. Менга ҳозирча 200 минг сўм берсангиз бўлади. Шу пул менга отам билан онамдай керак бўлиб турибди. Мана, уйнинг бутун ҳужжатларию калити.

Қизиқ-қизиқ билан бориб кўриб келдик. Маъқул топишиб, 200 минг сўмни бериб юбордик.

Хуллас, ҳафта ўтмай кўчадиган бўлдик. 4-қаватдан ҳамма юкларни тушириб, машинага юклаб, жўнамоқчи эдик, дадаси катта ўғлимга: "Бор, томдан антеннани олиб туш", - деб қолди. Ўғлим ўша пайтлари қаттиқ йўталарди, томга чиқиб, уёқбуёғини тортқилаб, ҳеч узолмаётган эди. Қўшнимиз: "Эй, бу боланинг тоби йўқ экан-да", - дея томга чиқиб антеннани олиб берди.

Катта, кенг кўчадан юк ортилган машинада кетиб бораяпмиз. Осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Қаранг, Худонинг оғзимга солганини қаранг-да, беихтиёр: "Эҳ-ҳе, бу кетишда Ғаллаоролга етиб қўямиз-ов", - деб юборибман.

Ўша заҳоти кўрган тушимни эслаб, ҳайрон бўлдим. Тангрининг чексиз марҳаматига ич-ичимдан шукроналар айтдим.

Янги ҳовлига келгач, яна бир воқеа бўлди, катта ўғлимнинг соғлиги барибир яхши эмасди. Укол-дориларнинг ҳам нафи кўп бўлавермади. Бир куни: "Ая, тушимда оппоқ соқолли чол мени етаклаб, боғнинг бурчагига, ҳожатхона ёнигача келибди",- деб қолди. Мен унчалик ҳам эътибор бермадим. Ҳаммамиз, бола-чақамиз билан ҳовли тозалашга тушиб кетдик, ҳожатхона ёнидаги шох-шаббаларни териб, супураётгандим, бир ип илашди. Қарасам, тумори ҳам бор экан, қора чармдан учбурчак қилиб тикилган.

Болаларни чақириб, биргаликда очдик. Ёмғирнинг тагида қолгани учун ёзувлари анча хиралашиб қолган экан, ўқиб бўлмади. Ҳовлида биздан аввал яшаган оиланинг болалари туғма ногирон эди, дея эшитгандай бўлувдим. Шуни эсладим-да: «Энди болаларим, бу туморни ёзган одам ўта илмли, ўткир нафасли мулло экан, шундай бўлмаган тақдирда ҳам бу ёзувлар жуда муқаддас, унинг бундай ножоиз жойда хор ётиши тўғримас. Балки, буни ёзган киши дунёдан ўтиб кетиб, руҳи безовта бўлаётгандир", - дедим.

- Жуда эскичаларга ишонасиз-а?
- Ий-йи, қизим, хурофот, эскичалик деганлари бошқа нарса, бу оддий инсоний қадрият, маданият-ку. Улуғ каломлар - нон билан баробар. Ёнингда нон тупроққа қоришиб ётсаю, сен чиройли кийимларда олдида ўйнайверсанг, унда сендан кўра анави сариқ ит маданиятлироқ бўлади, - дейман ҳазил аралаштирган бўлиб.

Бор ўғлим, тешани олиб келиб мевали дарахтнинг тагига чуқурроқ қилиб кўмиб қўй!

Яратганнинг чексиз имдодини қаранг, нуроний мўйсафид бежиз бетоб ўғлимнинг тушига кирмаган экан-да, шу-шу у соғайиб кетди.

**Саъдина БОБОМУРОДОВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси.**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Оила ва жамият

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.**

**Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.**

**Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20**
**Табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 18296
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **С. ФАХРИДДИНОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 3 4 5 6